

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Термиз давлат университети  
Ижтимоий иқтисодий факультети  
Иқтисодий назарияси кафедраси

**Б И Т И Р У В  
М А Л А К А В И Й  
И Ш И**

**Мавзу: “Касб-ҳунар коллажларида иқтисодий фанлар  
ўқитилишининг иқтисодий тарбияга таъсири”**

Бажарди: 5111000-касб таълими: иқтисодиёт таълим йўналиши 4 -курс 407  
гурух талабаси

**Ахмедова Моҳира Фахриддин қизи**

Илмий раҳбар:

И.Ф.Н. Ў.Ражабов

Термиз – 2016 й

## **Мундарижа:**

Кириш .....	3-5
<b>I -Боб. Иқтисодий тарбия мазмуни ва унинг ривожланиши иқтисодий фанлар ўқитилиши билан уйғунлиги .....</b>	<b>6-23</b>
1.1. Касб-хунар колледжларида иқтисодий таълим ва тарбияни шакллантиришнинг назарий жиҳатлари.....	6-13
1.2. Иқтисодий тарбияни шакллантиришда иқтисодий фанларни ўқитишнинг назарий методологик асослари.....	13-16
1.3.Иқтисодий таълим ва қарашларнинг юзага келиши ва ривожланиши тадрижи.....	17-23
<b>II Боб. Касб-хунар колледжларида иқтисодий фанлар ўқитилишини ташкил қилиш ва талабалар иқтисодий маданиятини юксалтириш таркиби....</b>	<b>24-53</b>
2.1.Касб-хунар колледжларида иқтисодий фанлардан дарс ўтишда турли методларни қўллаш зарурияти.....	24-40
2.2. Иқтисодий билимга эга кадрларни тайёрлаш ва дарс бериш мазмунини ўзгартириш – давр талаби эканлиги.....	40-47
2.3. Касб-хунар колледжларида иқтисодий фанларни ўрганишнинг такомиллашуви ва иқтисодий тарбияга таъсири.....	48-53
<b>Хулоса ва таклифлар.....</b>	<b>54-55</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>56-57</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикасида рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар жараёни олий таълим ва ўрта маҳсус билим юртларида иқтисодий фанларни ўқитиш методи ва уни ислоҳ қилиш, баркамол авлодни иқтисодий тарбиялаш, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, “Таълим тўғрисида”ги қонуни бўйича ўргатиш иқтисодий тарбия масалаларига янгича ёндашишни замон талаби тақозо этади. Ёш авлоднинг гармоник ривожланиши ва дунёқарашини шакллантиришда, ижтимоий ҳаётнинг негизи бўлган иқтисодий жараёнларни, унинг шакл ва мазмуний ўзгаришларини, мамлакатимиздаги ресурслардан самарали фойдаланиб, миллий бойлигимизни кўпайтириш йўл-йўриқлари руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, ҳар бир давлат ўз фуқаролари билимли, ҳақ-хуқуқини танийдиган, маънавий баркамол, бир сўз билан айтганда, комил инсон бўлиб вояга етиши ҳақида қайғуради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов бу хусусда бундай дейди: “Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда, биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”<sup>1</sup>.

Шу мақсадда Ўзбекистон республикасида “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастири” қабул қилинди. Унинг мазмун ва моҳияти ҳам узлуксиз таълимни ташкил қиласиди. Узлуксиз таълим етук ва комил инсон тарбиясига хизмат қиласиди.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви ва бозор муносабатлари шаклланишида ҳамда таркибий ўзгаришлар рўй бераётган бир пайтда касб-хунар коллежлари фаолиятини такомилаштириш ва инсонни ҳар томонлама тараққий этириш беҳад муҳим бўлмоқда.

Ушбу вазифалар қаторидан касб-хунар коллежларида иқтисодий фанларни ўқитишида иқтисодий тарбия билан уйғунлашувини таъминлаш устувор

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Баркамол авлод орзузи. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. 1998. – 81-б.

хисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzасида ушбу масалага эътибор қаратиб, “.....қайси мутахассисликлар бўйича қандай кадрлар кераклигини ҳар томонлама ҳисобга олиш ва шу асосда қабул режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш ғоят муҳим масала эканлигини эслатиб ўтмоқчиман”, деб таъкидлаганлари ҳам бежиз эмас.<sup>1</sup>

**Битирув малакавий ишининг мақсади.** Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишда, касб-хунар колледжларида иқтисодий тарбияни юксалтиришда иқтисодий фанлар ўқитилишини такомиллаштиришга бағишлиланган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Битирув малакавий ишининг вазифалари.** Белгиланган мақсадга мувофиқ тадқиқот олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

- касб-хунар колледжларида иқтисодий таълим ва тарбияни шакллантиришнинг назарий жиҳатларини аниқлаш;
- иқтисодий тарбияни шакллантиришда иқтисодий фанларни ўқитишининг назарий методологик асосларини умумлаштириш;
- иқтисодий таълим ва қарашларнинг юзага келиши ва ривожланиши тадрижини тадқиқ этиш;
- касб-хунар колледжларида иқтисодий фанлардан дарс ўтишда турли методларни қўллаш зарурияти ва таркибини ёритиш;
- иқтисодий билимга эга кадрларни тайёрлаш ва дарс бериш мазмунини ўзгартириш – давр талаби эканлигини аниқлаш;
- касб-хунар колледжларида иқтисодий фанларни ўрганишнинг такомиллашуви

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устувор вазифамиздир ” Вазирлар Маҳкамасидаги маъruzаси. // Adolat газетаси 2015 йил. 17 январь №3.

ва иқтисодий тарбияга таъсирини тадқиқ этиш.

**Бити्रув малакавий ишининг обеъкти.** Касб-хунар колледжларидағи иқтисодий фанлар ҳисобланади.

**Битириув малакавий ишининг предмети.** Касб-хунар колледжларда талабаларнинг иқтисодий тафаккурини шакллантиришда иқтисодий фанлар ўқитилишида юзага келадиган муносабатлар ҳисобланади.

**Битириув малакавий ишининг илмий янгилиги:**

- касб-хунар колледжларида иқтисодий таълим ва тарбияни шакллантиришнинг назарий жиҳатларини аниқланган;
- иқтисодий тарбияни шакллантиришда иқтисодий фанларни ўқитишнинг назарий методологик асосларини умумлаштирилган;
- иқтисодий таълим ва қарашларнинг юзага келиши ва ривожланиши тадрижини тадқиқ этилган;
- касб-хунар колледжларида иқтисодий фанлардан дарс ўтишда турли методларни қўллаш зарурияти ва таркиби ёритилган;
- иқтисодий билимга эга кадрларни тайёрлаш ва дарс бериш мазмунини ўзгартириш – давр талаби эканлигини аниқланган;
- касб-хунар колледжларида иқтисодий фанларни ўрганишнинг такомиллашуви ва иқтисодий тарбияга таъсирини тадқиқ этилган.

**Битириув малакавий ишининг тузилиши.** Битириув малакавий иши таркибан кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

# **I -Боб. Иқтисодий тарбия мазмуни ва унинг ривожланиши иқтисодий фанлар ўқитилиши билан уйғунлиги**

## **1.1. Касб-хунар колледжларида иқтисодий таълим ва тарбияни шакллантиришнинг назарий жиҳатлари**

Тарбия мазмуни ва маданиятини англаш ҳамда тушуниш борасида ўқувчиларга қўйилган мақсад ва вазифаларда: билимлар тизими, ишонч кўниммаларини ҳосил этиш, шахснинг сифати ва хусусияти, одат ҳулқлари йиғиндиси англаб тушунилади. Ақлий, ахлоқий, иқтисодий, экологик, эстетик, хуқуқий, жисмоний, меҳнат тарбиялар йиғиндиси қўшилиб, умумпедагогик жараёнлари бош мақсадга эришиш имконияти - шахснинг гармоник ривожланиши, ҳар томонлама камол топиши ва яратиш борасида қўйилган мақсадга эришилади.

Маълумки, сўнгги йилларда, айниқса бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистон Республикасида тарбия жараёнининг тез ва тубдан ўзгариши юз бермоқда. Жумладан, меҳнат тақсимоти натижасида, меҳнат турларининг кўпайиши. Ҳозирги кунда айрим маълумотларга кўра, меҳнатнинг беш мингдан зиёд турлари мавжуд.

Жамиятнинг парвози - бу гуманизация ва демократлашув жараёнининг юксалиши билан иқтисодий тарбиянинг сифат жиҳатдан янгиланишига ундумоқда. Масалан, шаҳар ва йўл бўйларида машина юваётганлар меҳнати, айниқса болаларнинг машина ювиб, пул топишлари, авваллари бўлмаган ва бошқалар. Бу жараён иқтисодий тарбияга бориб тақалади. Иқтисодий тарбия асосида қуидагилар мавжуд:

1. Тарбия мақсадининг реал, яъни воқийлиги.

Бугунги кунда реал мақсад - бу инсонни ҳар томонлама камол топиши, унинг қобилияти ва ундаги талант - Оллоҳ берган илоҳий куч. Масалан, олайлик мен ашулачи-хонанда ёки мусиқачи бўлмоқчиман, аммо менда улардагидек талант йўқ, овоз ҳам шунга муносиб эмас.

Инсон олдига қўйган мақсадига етишиш ва унга эришиш учун нима қилиши керак? Бунинг учун у аввалимбор иқтисодий фаолиятининг ақлий ва

ахлоқий томонларини ўрганиши, чиндан ҳам қизиқиши, интилиши зарур. Шундан келиб чиқиб, тарбия мазмуни ва моҳиятининг марказий тушунчаси - шахснинг «базавий маданияти» ҳисобланади. Бу маданиятга ҳаётнинг ўзи мажбур этиши билан, уни ўзи енгишга, бу эса ўз навбатида иқтисодий маданият ва меҳнат маданиятига чорлайди.

## 2. Иқтисодиётда ходимларнинг биргаликдаги фаолияти.

Маънавий маданиятнинг энг намунали ва ибратли томонларини излаб топиш, энг яхши ахлоқий томонларини, маданиятга ижодий ёндашув борасида уни ўзида муентазам шакллантириш ва юксалтириш, ҳаётнинг иқтисодий қонун-қоидалари ва нормаларини ўзида мужассамлаштирган ўқитувчилар иши мазмунли бўлади. Иқтисодиётда ходимларнинг биргаликдаги, ҳамкорликдаги фаолияти натижасида кўзланган мақсадга эришиши шубҳасизdir. Шунингдек, иқтисодиётда инсонларнинг биргаликдаги фаолияти туфайли тажрибалар ортади ва такомиллашади.

## 3. Ўзини-ўзи англаш.

Ҳар бир инсон аввало ўзини-ўзи англаши ва тушуниши керак. Инсон - ҳаётнинг турли-туман, мўъжизавий, чексиз ҳолатларига эътиқодли иқтисодчи, демократик нуқтаи назардан қатъий ишонган ҳолда қарashi, шахс тарбиясини шакллантиришининг юксалтиришини ифода қиласи.

Тарбия мазмунининг муҳим элементи - бу инсоннинг ҳаётий маданиятини ўзи танлаб, белгилаб олишидир. Инсон ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топа билиши, ўзлигини англаш тушунчаси профессионал, ҳатто фуқароликдан ҳам кенгроқ бўлади. Инсоннинг гормоник ривожланишида ўзини-ўзи англаши билан бирга фуқаролик бурчини ҳис этган ҳолда профессионал ҳамда ахлоқий томондан ўзини тушуниши зарур.

Иқтисодий тарбия назариясида инсоннинг ўзини-ўзи англаши алоҳида ўрин тутади. Масалан, Туркиялик бир талабадан «...нима учун Сиз «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиа кассасидан билетни арzonга олмадингиз?», - деб сўрашганда, у шундай деди: «Кечирасизлар, А.Навоий проспектидаги Туркия авиа кассасидан қиммат бўлса ҳам билет оламан, сабаби, мен ўз пулимни

ватаним - Туркияга қолдираман», - деб жавоб берди. Мана Сизга ўзлигини англаш деб шуни айтсалар керак.<sup>1</sup>

#### 4. Тарбиянинг шахсий йўналиши

Бутун тарбия мактабининг марказида дастурий тадбирлар эмас, уларнинг шакл ва методларигина эмас, балки инсоннинг ўзи ва унинг олий мақсади туради.

Ҳаётда ёшларнинг нималарга қизиқиши, интилиши, келажакда ким бўлиши, қандай мутахассис бўлиб етишиши, тарбиячилар томонидан эътиборга олинса ва улар қўллаб-қувватланса, тарбиянинг шахсий йўналиши шунчалик самарали бўлади.

#### 5. Ихтиёрийлик

Инсон ўзининг ихтиёрий эрксиз тарбия ғоялари ва намуналари моҳиятини англаб етмайди. Айниқса, ихтиёрий эрксиз иқтисодий тарбияга эришиб бўлмайди. Агар тарбиячи-ўқитувчи тарбияланувчини қизиқтира олса, ишонтира олса, эркинлик эрки, фуқаролик бурчи сезгиларига таянса, ижодий ёндашишга интилиши турган гап. Масалан, Чингиз Айтматовнинг ҳаётдаги касби ветеринар врач. Аслида уни машҳур ёзувчи сифатида жаҳон танийди. Яна бир бошқа мисол. А.П.Чеховнинг касби врач бўлса ҳам, уни буюк ёзувчи деб танийди ва бошқалар.

#### 6. Жамоатчилик йўналиши

Қаерда ва қачон тарбия яхши йўлга қўйилган бўлса, инсоннинг ҳаётдаги энг муҳим ва бош бўлган учта йўналишини белгилайди: ҳаётда фуқаролик, ишчи-ходим ва оиласон бўлишини. Инсон ҳаётда ўзининг фуқаролик бурчини англаса ва унга амал қилса, ҳар қандай ишга масъулиятли ёндашса ва уни рўёбга чиқарса - бу унинг жамоатчилик йўналишини белгилайди. Инсон малақали, тажрибали ишчи - ходим бўлса ва у Ватанига содик хизмат қилса, бундай инсонни жамоатчилик ҳар доим эъзозлайди. Ҳаётда ҳар бир киши аввало оиласон бўлиши, оиласи мукаммал тарбияловчи бўлиши, Ватанга

---

<sup>1</sup> И.Иномов Иқтисодий тарбия назарияси-Т.: ТДИУ, 2005, 8 б.

муносиб тарбияланган фарзандларни етиштириб бериши, унинг оилажоблигини ифодалайди.

## 7. Фуқаролик

Фуқаролик масъулияти ва мажбурияти - бу авваламбор биринчидан, Ватан, мамлакат олдидаги масъулиятни ҳис этиш ва уни амалда кўрсатиш; иккинчидан, жамият олдидаги муқаддас бурчи; учинчидан, ота-оналари олдидаги масъулиятни ҳис эта билиши ва ота-онага ҳар доим содик бўлиши, қадрлаши, ҳам қарз, ҳам фарзdir. Фуқаро аввало ўз давлатининг Конституциясини ҳурмат қилиши ва унга амал этиши, Президент ва давлат ташкилотларига ҳурматда бўлиш. Шунингдек, Давлат рамзлари - герби, байроби ва мадхияси - гимнини эъзозлаб, унга ҳурмат ва эҳтиромда бўлишини ифода этади.

Умумий ижтимоий ва иқтисодий билимларни эгаллаш, меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш ҳам инсоннинг бурчини ифодалайди. Топширилган ишга ва уни бажаришга интилиш ҳамда сифатли бажариш - бу инсоннинг тарбияланганлигидан далолат беради. Устоз-мураббийларга бўлган, уста-касб-хунар эгаларига бўлган ҳурмат ва ўз касбини ардоқлаш, эъзозлаш - инсонни маънавий гўзаллаштиради.

Ишchanлик ва ишбилармонлик. Меҳнат натижалари учун масъулиятли бўлиш, меҳнат аҳлига ҳурматда бўлиш - бу давр тақозосидир. Меҳнатсевар, ишchan инсонлар одатда ўта масъулиятли, интизомли, меҳнатни қадрига етадиган, мулойим, кишилар билан муносабатларда маданиятли, очиқ чехрали бўлишлари билан бирга, улар ўзларини жамоат жойларида қандай тутишларини яхши биладилар. Одатда, ишchan ва ишбилармон кишилар камтар, ўз қадр-қимматларини, ҳурматини биладиган ҳамда атроф-муҳитга меҳрибон қўзлар билан қарайдилар.

Бу ўринда шуни таъкидлаш зарурки, кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастуримиз инсон омилига катта урғу беради. Бундан мақсад ва вазифаларни стратегиясидан бошлаб, то янги дастурни аниқ ва равshan, ҳар томонлама таълим-тарбия жараёнига қаратилган.

Ушбудан келиб чиқиб касб-хунар колледжларида иқтисодий фанларни ўқитишида талабаларни меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, тежамкорлик, ватанпаварлик ғоялари асосида озуклантириш асосий вазифа ҳисобланади.

Жамият ривожланган сари унинг талаблари ўзгариб, мураккаблашиб боради. Шунинг учун ҳам иқтисодий педагогика фани имкон борича янги талабларни аниқлаши, сўнгра уларга жавоб бера оладиган ёшларни тарбиялашга ҳаракат қилиши керак. Ёшлар тарбиялаш учун унга таъсир этувчи омилларни аниқлаб олишимиз керак.

Иқтисодий педагогика фани ҳозирги кунда қуйидаги фикрларни илгари сурмоқда: Шахснинг шаклланишида икки омил ўз ўрнига эга. 1. Ички омиллар (унга наслдан-наслга ўтадиган хусусиятлар, қобилият, темперамент кабилар киради). 2. Ташқи омиллар (унга жамиятнинг тузилиш структураси, таълимтарбия жараёни, муҳит кабилар киради).

Ҳар иккала омилнинг ўзаро таъсирланиши натижасида талабанинг шаклланиши келиб чиқади. Ташқи омиллар ичida тарбия энг муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шахсни тўғри шаклланиши учун йўналтирувчи жараён бўлиб ҳисобланади.

Тарбиянинг асосий мақсади ижтимоий фаол, ҳар томонлама уйғун шаклланган жамият талабига жавоб бера оладиган шахсни шакллантиришдир. Тарбия икки томонлама борадиган жараён, лекин раҳбарлик роли тарбиячига берилади. Тарбия жараёни тарбиявий муносабатлар тизимининг йиғиндисидан иборат бўлиб, иккала томоннинг муносабати жамият талаблари ва мақсадига бўйсунади. Ҳар қандай тарбиявий таъсирнинг мазмuni шахснинг ички дунёсини ўзgartiriшга қаратилган бўлиб, у ўз навбатида хулқ-атвор ва фаолиятини ўзgartirади.

Тарбиявий муносабатларга талабларни ўзаро таъсирини ҳам киритиш керак. Тарбия мазмuni - бу объектив бойликни (ташқи) субъектив бойликка (ички) ўтишидир. Ана шу маънавий бойликнинг инсон онгидага ўз аксини топиши ҳисобланади. Инсон ҳаётда тарбияланганлиги билан гўзалдир. Ҳаётда одам то умрининг охиригача тарбияга муҳтоҷ бўлади. Тарбия кишини ҳақиқий

инсон камолот чўққисига етаклайди. Турмушда энг яхши тарбия - бу ўзи бошқаларга ўрнак бўлишидир. Одамнинг яхши ёки ёмонлиги унинг гап-сўзлари, афти-ангори, юриш-туриши, кийинишлари ва ҳаракатларидан ҳам билиниб туради. Шуни яхши билингки, Сиз ҳаётда қанча кўп одамлар орасида бўлсангиз, ҳаётни шунча яхши ўрганасиз. Ҳаётда янглишганингизда рухингизни туширмай, қийинчиликлардан қутилиш йўлларини изланг.

Ҳаётда тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши айни муддао. Сукрот: «Тарбия қийин иш ва тарбия шарт-шароитларини яхшилаш ҳар қандай кишининг ҳам муқаддас бурчларидан биридир; зеро ўзини ва теварак-атрофдагиларни маълумотли қилишдан ҳам кўра муҳимроқ иш йўқ», - деган эди.<sup>1</sup>

Касб-ҳунар коллажлари онгода иқтисодий тарбия жараёнини шакллантириш кўп омилли жараёндир, чунки бу жараёнга оламдаги ҳамма нарсалар, ҳодисалар, одамлар, табиат таъсир кўрсатади. Лекин ташки таъсир кўрсатувчиларининг ичидаги энг катта таъсир этувчилари бу - ота-оналар ва педагоглардир. Тарбия жараёнининг энг асосий тамойиллари:

1. Сўз ва иш бирлиги ҳисобланади.
2. Тарбия жараёнининг узлуксизлиги.
3. Тарбия жараёнининг икки томонламалиги.
4. Тарбия жараёнида ёш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш.

Тарбия жараёни маълум қонуниятлар асосида ва илмий асосда олиб борилсада, кўпинча бу жараённинг натижаси турлича бўлади, чунки бу жараённи қуидаги омиллар қийинлаштиради:

1. Тарбияланувчига бўлган таъсирнинг турлилиги (мактаб, оила, кўча таъсирларини ва талабаларнинг орасидаги фарқи).
2. Шаклланиб бўлган қарашлар ва одатлар (нотўғри шаклланиб қолган дастурлар, тушунчалар).
3. Тарбияланувчининг ички муҳитини ўрганишдаги қийинчиликлар.

---

<sup>1</sup> И.Иномов Иқтисодий тарбия назарияси-Т.: ТДИУ, 2005, 11-б

4. Тарбиявий ишлар методикасини янгиланмаслиги (Эски методлардан фойдаланиш).

Инсоннинг фаоллигини энг асосий сабаби - бу эҳтиёждир. Ана шу эҳтиёж инсоннинг атроф-муҳитга ва одамларга нисбатан бўлган муносабатини келтириб чиқаради. Ана шу эҳтиёж тарбия жараёнида ҳам иштирок этади ва тарбияланувчига ривожлантирувчи куч сифатида таъсир қиласи. Тарбия жараёнида ҳар бир талабанинг ички индивидуал эҳтиёжини ўрганиш айниқса муҳим. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида буйруқ бериб тарбиялаш эмас, балки дунёқарашни шакллантириш орқали хатти-ҳаракат ва фаолиятни ўзгартириш, инсоннинг ички дунёсини поклаш, бойитиш орқали олиб бориш лозим. Англаш - бу биринчи босқич бўлса, ана шу англанган программани фаолиятга айлантириш - бу иккинчи босқичдир. Учинчи босқичда эса ана шу хатти-ҳаракатни қайта такрорлаш орқали одатларни келтириб чиқаришдир.

Тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш шахс шаклланишида ажralmas таркибий қисмлардир. Йўналтирилган ва уюштирилган педагогик тарбия ўз-ўзини тарбиялаш билан бирга тўлдирилиб борилади. Ўз-ўзини тарбиялаш - бу онгли, мақсад сари йўналтирилган мустақил фаолиятдир. У атроф-муҳит таъсири натижасида вужудга келади. Психологларнинг ўрганишича, инсон фақат атроф-муҳитга эмас, ўз-ўзига ҳам таъсир қилиб, ўзгартира олиш кучига эга. Ўз-ўзини тарбиялаш жуда эрта бошланиб, дастлаб қуидаги шаклларда намоён бўлади:

1. Мослашиш.
2. Тақлид қилиш.
3. Ориентир олиш. Нима яхши-ю, нима ёмон?

Аслида ўз-ўзини тарбиялаш шахс шаклланишининг энг юқори даражаси ҳисобланади. Ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжи айниқса, ўсмирлик даврида кучаяди. Бу даврда таққослаш ҳолида иш юритилади. Ўз-ўзини тарбиялаш усулларига:


1. Масъулиятни ҳис этиш.
2. Ўзига ҳисбот бериш.
3. Ўз хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш.
4. Ўзини назорат қила билиш.
5. Ўзига баҳо бериш ва бошқалар киради.

Шундай қилиб, иқтисодий тарбия жараёни ниҳоятда мураккаб ва қийиндир. Педагогика жараёнида тарбия энг мухим жараён ҳисобланади.

Тарбия жараёнини белгилашда ягона қарашлар йўқ. Баъзи бирлар тарбияни шаклланиш деб ҳисобласалар, бошқалар эса тарбия деб атайдилар. Яна бошқа тадқиқотчилар шаклланиш - бу тарбиянинг ички томони деб талқин қиласидилар. Тарбия - шахснинг мақсадга мувофиқ йўналтирилган шаклланиш жараёни ҳисобланади.

### **1.1.1-расм**

#### **Касб-хунар колледжлари талабаларида иқтисодий тарбия**



Хуллас касб-хунар колледжларида ёхуд энди шаклланиб келаётган ўсмир ёшларда иқтисодий тафаккурнинг шаклланишида ўтилаётган иқтисодий фанларнинг аҳамияти келгусида катта бўлиб уни тўғри ва аниқ йўналтира олиш лозим бўлади.

### **1.2. Иқтисодий тарбияни шакллантиришда иқтисодий фанларни ўқитишнинг назарий методологик асослари**

Тарбия методи - бу грекча сўз бўлиб, «методос» - йўл бўлиб, бу йўл тарбия мақсади ва вазифаларини амалга оширишдир. Бу ўринда иқтисодий тарбияга қўллаб шундай дейилади: Метод - бу онг, эрк, сезги тарбияланувчи хулқига таъсир этиш билан тарбия сифатларини мақсадга мувофиқ томонларини ишлаб чиқиши, иқтисодчи мутахассислигига оидdir.

<sup>1</sup> Муаллиф томонидан тузилган

Тарбия методлари кўпdir. Тарбиянинг айrim методлари умумий ҳисобланиб, бошқалари, айниқса янгилари ўқувчиларнинг иқтисодий тарбияси учун энг самарали бўлади. Бу самарали тарбия методларида тарбиячи кам меҳнат сарфлаб, олдига қўйилган мақсадларга тезроқ эришиш имкониятларини беради.

Тарбия методларини тўғри қўллаш - бу танлов ҳамда конструктив бўлиб, педагогик профессионализм чўққиларига эришади. Тарбия жараёнида аник шароитларни ҳисобга олиш, максимал тарзда тўғри йўллар топиш, янги авлодни иқтисодий тарбияси учун айниқса, муҳимдир. Ҳар бир тарбиячи ўзининг кучи ва имкониятларига қараб тарбия методларини доимо такомиллаштиришга интилади.

Такомиллаштириш методларини қисман тарбия усуллари деб атасади. Тарбия усули - бу умумий методни қисмини алоҳида ҳаракатини, таъсирини аник яхшилашга ундейди. Умумий қилиб айтганда, бу тарбия усули ҳам ўрганилмаган сўқмоқни эслатиб, тарбиячи ўзининг тарбия олаётганларга эзгуниятлар билан мақсадга эришиш учун йўл очади.

Тарбия усуллари ва методларини билиш, хаётда уни тўғри қўллаш - бу педагогик маҳоратнинг муҳим характеристикаларидан бири ҳисобланади. Тарбия воситалари нима? Тарбия воситаси - бу усул эмас, шунингдек, метод ҳам эмас, масалан, меҳнат - бу тарбия воситаси. Тарбия тушунчаси - бу ягона таъсир этувчи бўлиб, воситалар орқали эришилади. Тарбиячи мақсадининг аниқлиги муҳим аҳамият касб этади, ҳар бир ишда ўзаклиғоя бўлади, бу тарбиянинг бирон-бир йўналишига мос келади. (Ақлий, ахлоқий, иқтисодий, экологик, хукуқий, жисмоний, меҳнат ва бошқалар).

Педагогиканинг вазифаси - тарбия жараёнидаги ижтимоий вазиятларни ҳисобга олиш ва уларни ўз фаолиятига бўйсундириш билан колектив ҳамда унинг айrim аъзоларига тарбия даражаси бўйича ташҳез қўйиш, сўнгра тўла педагогик таҳлил қилиш, бу билан тарбияланаётганларни тайёргарлик даражасини англаб, уларга таъсир қилиш кўзда тутилган.

Ишлаб чиқариш - иқтисодий фаолиятини ташкил этишнинг умумий назарияси педагогларни тарбиявий ишларни ташкил қилишда қуйидаги олтита ҳолатни ҳисобга олиш технологиясига эътибор беришни тавсия қилади:

1. Олдида турган мақсадни аниқ белгилаш ва уни амалга оширишнинг ҳамма ҳаракатларини бошдан то охиригача кўра билиш (Нималарга эришиш мумкин?).
2. Ҳар бир масъулиятли шахслар учун вазифаларни аниқ белгилаш (қайси воситалар орқали унга эришиш мумкин?).
3. Қилинадиган ишлар учун зарур бўлган барча тайёргарликлар (нималар ёрдамида унга эришиш мумкин?).
4. Натижаларни ўлчаш учун бажариш нормаларини белгилаш (эришилган ютуқлар даражаси қандай?).
5. Мулкларни тақсимлаш манзили ва ҳисобга олиш вақти (мақсадга эришилганлигини нима билан рағбатлантириш?).
6. Восита тузиш ташкилотчилари тизими ижрочиларига инструкция бериш (қандай қилиб эришади?).

Ишларнинг ташкил қилишдаги иштирокчиси тарбияланаётган шахснинг муҳим сифати: мақсадга интилевчанлиги, масъулиятни ҳис қилиши, бошланган ишни якунига етказишни билиши, интизомга риоя қилиши, бажарувчанлиги. Умумий ишларни ташкил этишда қатнашиш - жамоани бирлаштиришнинг кудратли воситаси эканлиги. Кўпчилик учун ўзи танлаган иқтисодчи касби билан боғлиқ бўлган ўзининг сифатларини текшириш, шунингдек, ташкилотчилик имкониятларини билиш ва унга амал қилишни ривожлантириш.

Иқтисодий тарбия ўзининг мақсадларига кўра кўплаб, тарбия ишлари кўринишларига эга: тарбия иши - бу мураккаб ва қийин жараён бўлиб, унда тарбиянинг ижтимоий моҳиятида қучлироқ мақсад юзага келади. Буни биз шартли равища иқтисодий деб атаемиз.

Тарбия ишининг бу йўналишдаги бош мақсади - ўқувчиларда жамиятга, давлат ва хукумат органларига, жамоага бўлган иқтисодий муносабатлар тизимини уларда шакллантиришdir.

Шахснинг ижтимоий сифатни моҳияти нимадан иборат? Иқтисодий тарбиянинг шахс сифатларини бошқа томонлари билан боғлиқлиги қандай? Улардан энг муҳими - бўлажак иқтисодчининг фуқаролик позицияси жамиятда, мамлакатда ва жаҳонда юз бераётган барча воқеликларга шахсан даҳлдордир.

Ҳозирги замонда фуқаролик бурчи бирламчи аҳамият касб этмоқда. Бўлажак иқтисодчининг бошқа муҳим сифатлари билан биргаликда қатъий интизомли бўлиши ҳам узвий боғлиқdir. Иқтисодчи учун бу сифатларнинг, айниқса муҳимлиги, худди ана шу интизом туфайли англанган зарурати астасекин ва сезилмасдан ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўзлаштиришга ўтади.

Иқтисодий тарбия узвий равишда ижтимоий тарбия билан боғлиқdir. Ижтимоий тарбия негизида инсон англанилади. Инсоний муносабатлар, яъни кишилар кишилар билан муносабатларда бўладилар. Ижтимоий тарбия айниқса жамият тараққиётидаги инқирозларга яққол ва кескин тус олади. Бунда ижтимоий тарбия кишиларнинг ўзларини ўзлари ҳам ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнайди.

Ижтимоий аутсайдерларга - қариялар, ногиронлар, ёлғизлар ва ёрдамга муҳтоҷ бўлган аҳоли қатламларига ёрдамлашишни ижтимоий тарбиянинг мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтишда бош йўналиш ҳисобланади.

Ижтимоий тарбия муаммоларини ижтимоий педагогика ўрганади. Унинг предмети - шахсни шаклланишига ижтимоий муҳит қонунияти асосида таъсир кўрсатади. Жумладан, оила, норасмий бирлашмалар, оммавий ахборот воситалари, диний оқимлар таъсири ҳам мавжуд. Ижтимоий педагогика «таваккалчи» гуруҳларга, айниқса улар мураккаб, оғир-қийин ва инқирозли шароитларда қолганларга эътиборли қарайдилар. Бундай кишилар, айниқса малакали педагоглар ёрдамига муҳтоҷ бўладилар. Шу сабабли касб-хунар таълимида иқтисодий фанлар ўқитишини тизимли ташкил қилиш мақсадга мувоғик бўлади.

### **1.3.Иқтисодий таълим ва қарашларнинг юзага келиши ва ривожланиши тадрижи**

Иқтисодиёт илми миллатимиз халқимиз тарихий тараққиётида муҳим рол ўйнаб доимо устувор бўлиб келган. Иқтисодиёт илми - ҳикматшунослиқда одобнома, панднома, ўгитнома, маслаҳатнома жанрлари табиий ва одат хуқуқлари ҳукмрон бўлган замонлардан бери бизларга маънавий-ахлоқий мерос бўлиб келган.

«Авесто» даги одоб ва ўгит-мадҳиялар, Зардўшт таваллоси, Абу Наср ал Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон», «қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Абу Али ибн Синонинг «Рисолаи тадбири манзил», Маҳмуд қошғарийнинг «Девони луготит турк», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул ҳақойик», Юсуф Хос Ҳожибининг «қутадғу билиг», Нажмиддин Кубронинг «Шогирдлар одоби», Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари», «Нозик иборалар», Насриддин Рабғўзийнинг «қиссаи Рабғўзий», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асарлари, Мир Алишер Навоийнинг шеърияти, Заҳириддин Мирзо Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга васиятномаси, Абдулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи Турк», «Шажараи Туркнома», Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг «Огоҳнома», Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг «Васиятлар китоби», Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарлари комил инсон баркамоллигига қаратилган тарбиявий-ўгиту маслаҳатлардан, йўл-йўриқлардан иборат яхлит миллий-умуминсоний ҳикматшунослик манбаларидир.

Ўзбек халқи учун тарихан нодир ва ноёб ижодий-интеллектуал анъана бўлган комил инсон тарбияси ва унинг ахлоқий-маънавий, жисмоний-руҳий кайфият баркамоллигига, миллат, она-ватан ақлий-ҳиссий равнақи юксалишига бахшида бўлган бу ноёб миллий мерос ҳозирда ҳам янгича замону, янгича моҳиятларда миллатнинг жонфидо алломалари томонидан ижодий давом эттирилмоқда. Биз ҳам ушбу йўналишда буюк бобоколон мутафаккирларимизнинг комил инсон, баркамол авлод тарбиясига қаратилган

ахлоқий-маърифий таълимотлар тизимида одобнома жанрида миллий камолотнинг ҳозирги ва келажак цивилизациясини таъминлашга ўз фикр ва мулоҳазаларимизни ифода этишга ҳаракат қилдик.

Доно халқимизнинг «Болани - бошдан», деган мақоли бор. Бунинг боиси шундаки, бола дунёга кўз очиб келганда нимани кўрган, ниманики эшитган бўлса, ўшалар унинг руҳиятига, аввало ўша нарса таъсир этади ва тасаввурини шакллантирувчи асос-пойдеворга айланади. Шунинг учун ҳам чақалоққа ҳаётда фақат ва фақат гўзал - яхши нарсаларни кўрсатиш ва ёқимли-ширин товушларни эшиттириш керак.

Инсоннинг болалиқда, ёшлиқда кўрганлари унинг табиати, руҳиятини, одоб-кўнималарини шакллантиради. Шунинг учун ҳар бир ота-она тарбия соҳасида ўзига хос руҳшунос бўлиши, ёш гўдакнинг руҳиятига кириб, унинг қизиқишиларини кузатиб яшаши лозим.

Фан ютуқлари шундан далолат берадики, бола она қорнидаги ривожланиш давридаёқ, ташқи муҳит, иқтисодий тарбия таъсирларини ҳис эта бошлайди. Ҳаётда бўлаётган салбий ёки ижобий ҳодисалар онанинг кайфияти, унинг ўша воқеаларга муносабати, ҳис-туйғулари орқали гўдакка ҳам ўтади. Бошқача айтганда, бўлажак онага бўлган муносабат, туғилажак чақалоққа бўлган муносабат ифодаси эканини ҳар бир киши тўғри тасаввур этиши керак<sup>1</sup>.

Цивилизациялашган мамлакатларда ёш келин-куёвлар қобилиятли, соғлом зурриёдга эга бўлиши учун, олдиндан тайёргарлик кўришади. Дастрлаб шифокорлар келин ва қуёв организмининг саломатлигини текшириб қўрадилар. Бунда бўлажак келин-куёв танасидаги моддалар таркиби, гармонлар қандай эканлиги, уларнинг руҳий ва қон янгиланиш ҳолати қандайлигига эътибор қаратилади. Бўлажак келин бола қайси ойда ва қайси кунда она қорнида нишона бериши лозимлигини аниқлашади (Эътибор беринг-а, қадимда бизнинг ота-боболаримиз ҳам худди шундай йўл тутганлар. Масалан, Амир Темур

---

<sup>1</sup>Ғуломов С. Ўгитнома. -Тошкент: 2003, 5-6 бетлар.

бобомизнинг қачон туғилиши олдиндан башорат қилингани бунинг яққол исботидир).

Таълим ва тарбия - узлуксиз жараён. Ҳадиси Шарифда «Бешикдан қабргача илм изла», деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Мирзо Улуғбек ўзи қурдирган мадрасалар пештоқига «Эркагу аёл илм олишга ҳақли», - деган сўзларни бежиз ёздириб қуймаган.

Энг кадимги VII асргача бўлган даврда ўқитувчи, устоз шогирд ўқитувчи-тарбиячи фаолияти, маҳорати, уларнинг жамиятдаги ўрни, ҳакида тухталиб ўтиш лозим.

Ибтидоий жамоа тузуми даврида жамият ёш жихатдан З гурухга булинар эди. 1. Болалар ва ўсмирлар. 2.Ҳаёт меҳнатининг тула қимматли ва тўла хукукли иштирокчилари. 3. Кексалар.

Янги туғилган болани жамоадаги кекса кишилар боқиб ўстирадилар. Бола тегишли биологик ёшга тўлиб, меҳнат қилишни ўрганиб, ҳаётй билим ва малакаларни эгаллаганидан сўнг тўда меҳнатчилар гуруҳига ўтади. Ибтидоий жамоада бола ўзининг ҳаёт фаолияти жараёнида катталарнинг ишларида катнашиб улар билан кундалик муомилада бўлиб тарбияланар ва таълим олар эди. Ўғил болалар катта ёшдаги эркаклар билан, қизлар эса аёлларнинг ишларида қатнашардилар. Кейинчалик ўғил болалар учун алоҳида, қизлар учун алоҳида тарбия муассасалари - ёшлар уйлари пайдо бўлди. Бу ерда улур оксоколлари раҳбарлигига яшаш меҳнат бўйича утказиладиган синовларга тайёрланар эдилар.

Ибтидоий жамиятда дехқончилик, турли касб-хунарлар пайдо булди. Шу билан бөглиқ равишда тарбия хам мураккаблашиб, куп томонлама ва режали бўла борди. Кейинчалик болалар тарбияси тажрибали кишиларга топшириладиган бўлди. Улар болаларга меҳнат қўнишка ва малакаларини ўргатиш билан бир қаторда пайдо бўлиб келаётган диний урф одатларнииг қоидалари, накллари билан болаларни танишитирар, ёзишга ўргатар эдилар. Шарқнинг барча гуманистлари Рудакий, Фирдавсий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Низомий, Хофиз, Шайх Саъдий, Умар

Хайём, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий кишиларни маънавий гўзаллигини, куйладилар, эзувчи гурухларни тартибга чакирдилар, одил подшолар туғрисида орзу қилдилар, инсонпарварлик ғояларини олға сурдилар.

Ана шундай-зиддиятли замонда яшаб уз максади, ҳаётини олға сурган вазифаларни бажаришга киришган алломалар фан, маданият, тарих, илмий билимлар соҳасида муносиб ўрин эгаллай олдилар. Мутафаккирлар мустакил дунёкараш, сабр-матонат билан ўтмиш авлодлар билимларини чуқур ўрганиб, ўзлари хам меҳнат қилиб турли фанларда янги тушунча ва хулосалар чиқара олдилар. Инсоният тарихи, маданият фани ўзаро алоқадорлигига ўсиб ривожланиб, бойиб боришини исботладилар. Айниқса иқтисодиёт, педагогика, психология, этика фанларининг мустакиллигига кенг йул очдилар. Таълим - тарбия, мулокат одоб - ахлок, гуманизм, эстетика, тушунчаларини анча бойитдилар.

Шарқ мутафаккирлари ва алломаларнинг ижодий меросларида ўқитувчи-тарбиячи маҳорати, устозлик-шогирдлик шартларига хам алоҳида ўрин берилган. Абу Наср Фаробий X аср шарқ фалсафий фикрларининг энг йирик намоёндаларидан бўлиб, ҳаёт инсон ҳақидаги таълимотни дастлаб яратувчилардан бири саналади. Ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида тараққийпарвар ижтимоий, фалсафий тафаккур тарққиёти унинг номи билан боғлик. Фаробий ўз замонаси илмини барча соҳасини мукаммал эгаллаган унинг асарларида одам шахсининг энг яхши ва олийжаноб хусусиятлари, кишилар ҳаётида адолат ўрнатилиши, яхшилиқ, ақлий камолатига эришувчи инсон ҳакида фалсафий фикрлар ифода этилган,

Абу Наср Фаробий устоз ўқитувчига шундай талаб қўяди: "Устоз шогирдларига катта зулм ҳам хаддан ташқари кўнгилчанглик ҳам қилмаслик лозим. " Чунки ортиқча зулум шогирдда устозга нисбатан нафрат ўйғотади-ю, устоз жуда ҳам юмшоқ бўлса шогирд уни менсимай қўяди ва у берадиган билимдан совуб ҳам қолади. У ўқитувчига болаларнинг феъл авторига қараб

тарбия жараёнида "каттик" ёки "юмшоқ" усуллардан фойдаланиши маслахат беради. Унинг фикрича:

1. Тарбияланувчилар ўқиш-ўрганишга мойиллик билдирсалар, уларга таълим тарбия жараёнида юмшоқ усул қўлланилади.
2. Тарбияланувчилар ўзбошимча итоатсиз бўлсалар, каттик усул (мажбурлов) кўлланилади.

Абу Али ибн Сино жаҳон маданиятига катта хисса кушган машхур энциклопедист олим, табиатшунос, файласуф, астроном, математик, мусикашунос, хукукшунос, филолог, ёзувчи ва шоир. Европада Авиценна номи билан машхур булган Ибн Сино жаҳон фани тараккиёти тарихида муҳим роль уйнайди,

Ибн Синонинг гуманистик таълимида биринчи масала инсон камолатидир, инсонни оламдаги мавжудодлардан юкори қўйишидир. Абу Али Ибн Синонинг ижодий фаолияти жуда ҳилма-хил ва ранг барангдир. Унинг асарларида фалсафа, тарих, филология, этика, педагогика, психология, шеърият, табобат, терапия, хирургия, диагностика, гигиена ва табиатшунослик, иқтисодиёт фанларининг ҳар қайсисига доир мустақил фикрлар ва хулосалар бор. Ибн Сино буюк олим. У инсон ақлининг ҳар томонлама ривожланишига табиат сирлари ва ҳақиқатни билиш мумкинлигига қаттик ишонган. Исботлаб мисоллар келтирган. У ўзининг илм-фан соҳасидаги катта фазилатлари билан жаҳон маърифати ва маданиятининг намоёндаси сифатида танилди.

Ибн Синонинг таълим ва тарбия соҳаларидағи бой мерос ўз даврида жаҳолатига қарши курашда жуда катта прогрессив аҳамиятга эга бўлди. Улуғ зотнинг талай асарларидағи ғояларини олимларимиз, педагогларимиз хамон ўрганмоқдалар, амалий ҳаётга тадбиқ этмоқдалар. Буюк аллома Ибн Сино болага билим бериш ўқитувчининг маъсулияти бурчи эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича болалар билан муомолада босик ва жиддий бўлиш, берилаётган билимнинг болалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш кабилар муҳимдир.

Абу Райхон Берунийнинг карашлари прогрессив мазмун касб этади. Мутафаккирнинг гуманистик карашларида ростгўйлик билан адолат химматга эга булган сифатлардир. Олим хулқларни яхши ва ёмон хулқлар деб 2 кутбга бўлиб кўрсатади. Унинг фикрича яхши хулқлар- ростгўйлик, адолат, мардлик, ботирлик, химмат ва шу кабилардир. Бу хақида у шундай дейди: ҳамманинг табиатида адолат бевосита севимли ва ҳамма унинг яхшилигига қизиқадиган бўлгани каби ростгўйлик хам шундай; лекин ростгўйликнинг ширинлигини татимаган ёки ширинлигини билса хам, тотишни истамайдиган киши уни севмайди:

Абу Райхон Беруний Ўрта Осиё халқининг машхур комусчи олими, ўзининг илмий мулохазалари билан барчани хайратда қолдирган, философия, тарих, филология, педагогика, табиатшунослик фанларининг актуал масалалари соҳасида уз давригача бўлган билимларни умумлаштириди, камчиликларни тузатди ва кейинги авлодлар хам фахрланадиган асарлар колдира олди. Реал ҳаётда у фактат фан, маърифатга берилган одам булган бутун вактини куч-куватини илм фанга бағишилаган ижтимоий ва табий фанларнинг энг муҳим соҳаларида баракали ишлади ва шундай асарлар яратдики, улар жаҳон фани ва маданиятини янада юкори поғонага кўтаришга хизмати катта бўлади.

Умар Хайём - ўзининг жаҳоншумул илмий асарлари билан эмас, нозир поэтик асарлари рубоилари билан оламга машхур булди. Шоир уз рубоиларида олам сирлари хакида фикр юритди, зуравонликни, жаҳолатни, риёкорликни фош этди, шахс эркинлигини кўйди. Умар Хайём инсонни улуғлайди, уни дунёдаги энг олий мавжудот сифатида куйллайди. Умар Хайём дунёқарашида инсон ва унинг ҳаёти муаммолари, инсон ҳаёти билан боғлик бўлган ташвишлар, гуманизм масалалари марказий ўрин эгаллайди.

Соҳибкирон Амир Темур хам ўз хукумронлиги даврида илм ахиллари, муаллимларга хурмат билан қарайди. Кишиларга мансаб беришда хам уларнинг илмларини ҳисобга олади. Жамиятнинг ривожида уларнинг ўрни муҳим деб

билиди. Куплаб коллеж мадрасалар очади уларга муаллим ва мударислар тайин этади, Ўзининг устозларини хам жуда кадрлайди.

Алишер Навоий узбек халқлнинг улкан шоири ва мутафаккири, улуғ олим ва давлат арбоби, жаҳон адабиётининг сиймоларидан бири, Шоир бутун хаёти ва фаолиятини инсоннинг баҳт-саодати учун курашга, халқнинг санъат ва адабиёт тараккиётига бағишилади. Навоий ўзининг ҳамма асарларида инсоннинг ер юзидаги ҳақиқий инсон деган номни юкори даражага қўяди. инсон хуқуки билан яшашни, инсон шахсининг озодлигини ёклайди.

Алишер Навоий ижодида хам муаллимлар иши уларга муносабат масалалрига кенг ўрин берилади. У ёшларга чукур билим бериш учун муаллимлар мударислар ҳамда устоз мураббийларнинг ўзлари хам билимли ва тарбияли бўлиши зарурлигини ўқтиради. У нодон мутассиб жохил домлаларни танқид этади ва ўқитувчи маълумотли ўқитиш йўлларини биладиган муаллим бўлиши зарур дейди. Масалан: "Махбуб ул кулуб асарида мактабдорлар хасида фикр юритар экан, уларни ўта қаттиқул, жохил ва таъмагирликларини коралайди- Дарҳақиқат жохил муаллимлар гунохсиз ёш болаларга жафо қилувчидир, У ёш болаларнинг азоблашга, калтаклашга ўрганган, ғазабли қоши чимирилган гунохсизлар билан аччиқланишга одатланган. Уларнинг кўпчилигига кўнгил қаттиқўллиги ва таъб хасталиги ошкор. Бунинг устига улар акл камлигига хам грифтор. Улар кийиниш йўли билан болалар кунглини ўзларига ром қилмокчи ва кичкинтойларнинг бекарор табиатини дўқ-пўписа билан тартибга солмоқчи бўладилар.

Ушбулардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, юртимизда иқтисодий таълим тарбиянинг ривожланиш узоқ даврларга бориб тақалади ва у пайтларда иқтисодий тарбия ўгитлари тежамкорлик, ишбилармонлик ва меҳнатсеварликка йўналтиришда намоён бўлган.

## **II Боб. Касб-хунар колледжларида иқтисодий фанлар ўқитилишини ташкил қилиш ва талабалар иқтисодий маданиятини юксалтириш таркиби**

### **2.1.Касб-хунар колледжларида иқтисодий фанлардан дарс ўтишда турли методларни қўллаш зарурияти**

Бугунги кунда иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳатларнинг асосий максади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб хаёт шароитларини ташкил қилишдан иборатdir. Шу жихатдан ҳам маънавий жихатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий истиклол гоясини узида мужассам этган янги авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устивор йуналишларидан бири ҳисобланади.

Республикамиз хукумати халк таълими соҳасида уртага куяётган вазифаларни бажариш куп жихатдан уқитувчига боклик. Таълим-тарбия жараёнида укувчиларнинг хилма хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон килиб устириш уқитувчи зиммасига юклатилгай.

Дарҳакикат, ҳалкимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистонинг истиқболи куп жихатдан уқитувчига, унинг савиясига тайёргарлиги, фидоийлигига, ёш авлодни уқитиш ва тарбиялаш ишида булган муносабатига bogliq. Келажак авлод хақида қайгуриш, соглом, баркамол наслни тарбиялаб этиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Шу боис мамлакатимизнинг истиқбол йулидаги биринчи қадамлариданоқ буюк маданиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйгунлаштиришга катта бериб келинмоқда.

Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга оширилиши педагогик маҳоратни такомиллаштиришда мухим омил булиб хизмат қилмоқда.

Замонавий ўқитувчига биргина умумий маданиятнинг узи кифоя қилмайди. Шунингдек маҳсус билимлар ва малакалар асосида болаларини кузатиш, уларнинг усишидаги муҳим нарсаларни жамиятда вужудга келган асосий ижтиомий гоялар билан таққослаш, таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш йўллари ва усулларини аниқлаш, турли воситалар билан тарбиявий таъсир курсатиш, таҳлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий жихатдан бир тизимга солиш мақсадга мувофиқдир.

Албатта бунда ўқитувчи талабчан, яхши меҳрибон, сабрли, босиқ ва уз касбига нисбатан эътиодли булиши лозим. Болани бутун қалбли билан севадиган ўқитувчи купрок табассум килади, камроқ қовоқ солади. Болаларга билим бериш билан биргаликда айни вақтда уларга уз характерини уtkаза олади, уларга одамийлик намунаси булиб куринади.

Ўқитувчининг касбга оид маҳоратини шакллантиришда педагогик-психологик назарияларнинг аҳамияти каттадир, чунки маънавиятимизнинг шаклланишида уз-узига эга булган улуг инсонлар фаолияти тутрисида, уларга қўйилаётган талаблар хакида замонавий педагогик технологиялар туғрисида назариялар педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий манбай булиб хизмат қиласи.

Педагогик тажрибаларни такомиллаштиришда илмий педагогик маълумотлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ҳозирги замон фан ва техника тараккиёти уқитувчининг ижодкор булишини фаннинг муҳим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютукларини уқувчиларга етказа олиши ва ниҳоят уқувчиларни ҳам ижобий фикрлаш, тадқиқотчилик ишларини ургата олишини талаб килади. Шунинг учун уқитувчи аввало тадқиқотчилик ишларини олиб бориши ва бу соҳадаги малакаларни эгаллаши зарур. Уқитувчи илмий тадқиқот ишларини олиб бориши давомида, тажрибаларни туплайди, таҳлил қиласи, улар асосида хулосалар чиқаради. У шу хулосалардан ўзининг амалий фаолиятида фойдаланиш жараённида ҳозирги замон ўқитувчи учун зарур булган жуда муҳим билимларни эгаллайди.

Педагогик маҳоратни тақомиллаштиришда шахсий педагогик изланишнинг аҳамияти каттадир, Ўқитувчи ишидаги муваффақиятни кунлик фаолиятида катталар ва болалар, айрим гурух ва якка шахслар билан алокага кириша олиш қобилиятини таъминлайди.

Алоқалар фаолиятда дуч келадиган турли ҳил воеаларга педагогик коидалар нуктаи назаридан эмас, балки шароитни ҳисобга олган ҳолда ижобий ҳал этиш талаб этилади.

Кенг илмий савияга эга булиш, интелектуал қизикиш, янгиликни ҳис кила билиш, педагогик маҳоратни оширишга интилиш уқитувчига ҳос хусусиятлардан ҳисобланади.

Таълим сифати давлат таълим стандартларига мувоффик булиши учун амалий ва назарий машғулотлар утказилади. Бу соҳада илмий тадқиқот ишлари амалга оширилади.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан муомиласи тарбия натижаларига катта таъсир курсатади. Болага муҳаббат ҳеч қачон жавобсиз қолмайди. Касб-хунар таълимни стандартлаштириш. Касб-хунар таълимнинг давлат таълим стандарти уқувчилар билим савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни шакллари вазифалари, усулларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг узаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият курсатаётган турли муассасаларда давлат ва нодавлат таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилди. Давлат таълим стандарти уз мохиятига кура укув дастурлари, дарсликлар, қулланмалар, низомлар ва бошка меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳизмат қиласи.

Касб-хунар таълимининг давлат таълим стандарти узининг тузилиши ва мазмунига кура давлат, ҳудуд, коллеж манфаатлари ва вазифаларини акс эттиради, ҳамда энг асосий укувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияят ва қизикишлари устуворлигидан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартини бажариш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўрсатилаётган мулкчилик шарти ва иродавий буйсинишдан катъий назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Ҳозирги пайтда, аввал таъкидлаб ўтганимиздек, тайёр билимни ўзлаштириш асосий мақсад бўлмай, энг асосийси, талабаларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш, мустақил танлаш ва қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилиш объектив заруриятга айланди. Бу мақсадни амалга ошириш эса кўп жихатдан дарс ўтиш методларини танлашга боғлиқ.

Ҳар қандай фанни ўрганишда турли методлар қўлланилади. Бунинг сабаби, биринчидан, дарс ўтишда турли услубларни қўллаш уни қизиқарли бўлишига, талабаларни диққатини ўтилаётган дарсни ўзлаштиришга қаратиласди. Бир хил методда дарс ўтилавэриши талабаларни зериктиради. Психологлар тадқиқотларига кўра ҳар қандай моҳир ўқитувчи ҳам бир хил методни қўллаб дарс берар экан, айтайлик, маъруза ўқир экан, талабалар дастлаб 20 минут, сўнгра дарсни тугашидан олдин 20 минут маърузани диққат билан эшитар, колган пайтда хаёлга берилиб кетар экан.

Иккинчидан, талабаларнинг дарсни ўзлаштириш, билимни қабул қилиш қобилиятлари ҳар хил бўлиб, турли услубларни қўллашгина ўтилаётган мавзуни талабалар томонидан нисбатан тўлиқ ўзлаштиришга олиб келади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, билимни ўзлаштириш жараёнида мавзуни тезроқ англашга бир хил талабаларга бир услугуб ёрдам берса, иккинчиларига бошқа услугуб ёрдам беради.

Учинчидан, дарс ўтиш методлари талабаларни фикрлаш доирасини шакллантиришга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам, барча педагоглар талабаларга билим беришнинг энг самарали йўли, дарс ўтишга турли методларни қўллаш зарур деган фикр тарафдори бўлиб, айнан қайси метод қайси категориядаги талабалар учун қўлланилиши маъқуллиги бўйича эса ягона қолип йўқ, Жаҳон педагогикаси тажрибаси шуни кўрсатадики, таҳлилий фикр юритадиган талабалардангина муваффақият билан ишловчи бизнесменлар, сиёсий лидерлар(сардорлар), фан арбоблари этишиб чиқади.

Таҳлилий фикрлаш мустақил фикрлашдир. Ҳар бир кишининг фикр юритиши индивидуал характерга эга бўлиб, бошқаларнидан ажралиб туради. Ахборот эса таҳлилий фикрлашнинг бошланғич нуқтасидир.

Гарб олимлари томонидан чоп этилган услубий билим бериш услубига таъсир этувчи параметрларга:

- а) ҳар бир талабаниг индивидуал хусусиятлари;
- б) ахборотни қайта тиклаш қобилияти;
- в) талабаларни бирбирига ўзаро таъсир кўрсатиши, ҳамкорлик қилиш хислатларини киритишади.

1. Ҳар бир кишининг – индивидуал, ўзига хос хусусиятлари инсон томонидан ахборот қабул қилишда ҳам ифодаланади. У бошқа омиллар билан бирга унинг шахсий хусусиятларига ҳам чамбарчас боғлиқ.

Психологлар одамларни *introvert* ва *ekstravert* груҳларга бўлишади:

*introvert* типидаги талабалар кўпроқ индивидуал қатнашиш устун дарс ўтиш услубларини ёқтиришади. Масалан, маъруза эшитиш, китоб ўқиш, адабиётларни конспект қилиш, назорат иши, реферат, доклад ёзиш кабилар.

*ekstravert* груҳидаги талабалар ўқитишининг фаол турларини, бошқалар билан ҳамкорликда бажариладиган услубларни ёқтиришади. Масалан, кичик груҳларда ишлаш, моделлаштирилган ўйинлар ўтказишида қатнашиш кабилар.

2. Инсонда олган ахборотни қайта ишлаш қобилияти ҳам турлича. Талабалар билим олиш, олган ахборотларини ёдда сақлаш, тушуниш ва қўллашда ҳам бирбиридан фарқ қиласидилар. Баъзи талабалар учун вербал (сўзда ифодаланган) ахборот, масалан, маъруза эшитиш ёки радио орқали тинглаш этарли. Бошқалари учун эса визуал (кўриш) ахбороти муҳим. Улар кўргазмали қуроллар: жадвал, схема, график, диаграмма кабилар орқали мавзунинг мазмунига тез тушунишади. Учинчи груҳ талабалар учун кинестетик (ЎЗИ қатнашувчи) ахборот фойдали. Улар ўқитишининг актив услублари, моделлаштирилган ўйинларда рол ўйнаш орқали ахборотни яхши ўзлаштирадилар.

3. Талабалар кўп нарсаларни бир бирларидан ўрганишади. Шунинг учун талабаларни бирбирларига таъсир кўрсатиш, ҳамкорлик қилишга асосланган дарс ўтиш методлари муҳим аҳамиятга эга. Масалан, баъзилар мустақил, биринчи бўлишга интилиши билан ажралиб туради. Улар алоҳида ўқиши маъқул кўради. Уларга дебат, мунозара олиб бориш, конкурсlarга қатнашиш ёқади. Бошқалар ёлғизликдан кўра ҳамкорликда ўқишига мойил. Улар учун кооператсиялашган ўқитиши услубларини кўллаган маъқул. Баъзи талабалар аниқ фактлар, маълумотларни тезроқ қабул қиласди. Бошқалари назарий математик моделларни ёқтиради. Баъзи талабалар кўргазмали расмлар, диаграммалар орқали, бошқалари мунозара қилганда, учинчилари эса амалиётда ўзи бажаришда қатнашса яхширок, пухтароқ ўрганади. Умуман олганда, таълимтарбиянинг методлари котиб қолган эмас. Вақт ўтиши билан улар ўзгаради. Талабаларни билим олиши ва олган ахборотини қайта ишлиши учун турлитуман методларни ўйлаб топиб, қўллаш мумкин. Айниқса, ҳозирги пайтда муваффакиятли фаолият юритиш учун жуда кўп соҳаларга билишнинг турли усулларини қўллаш ва билим беришда мослашувчанлик, рангбаранг педагогик методлар қўллаш талаб этилади.


Ўқитувчиларни дарс жараёнида турли услубларни, ўкув топшириқларини қўллаб, талабаларда билим олишга иштиёқ уйғотишлари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Талабаларнинг қобилиятини, уларни индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда турли методларни қўллаш, албатта, ўзлаштириш натижасини кўтариади.

Тажриба шуни кўрсатадики, ўқувчи талабаларни баркамол, чукур билим эгаси, мустақил фикрлайдиган инсон бўлиб шаклланиши фақат индивидуал хусусиятларига боғлиқ эмас. Таъсир кўрсатадиган яна бир муҳим омил, таълим бериш жараёнини ташкил этишdir. Таълим бериш жараёнини ташкил этишда эса ўқитиши шакллари ва методлари асосий рол ўйнайди. Айниқса, таълим методларини танлаш катта аҳамиятга эга. Ўкув методларини танлашда эса унинг самарадорлигини эътиборга олиш зарур.

Педагог олимларнинг тадқиқотлари бўйича ўқитиши жараёнида берилган ахборотни эслаб қолиш қўлланилган методларга кўра қўйидагича кўринишида акс этар экан, уни қўйидаги пирамида кўринишида тавсифлаш мумкин.

### **2.1.1-расм**

**Ўқитиши пирамидаси**



1. Маъруза, доклад. Эшитганимизнинг 5 фоизи;
2. Ўқиши. Ўқиганимизнинг 10 фоизи;
3. Видео, расм, кўргазмаларни кўриш. Кўрганимизнинг 20 фоизи;
4. Тажрибани намойиш қилиш. Кўрган ва эшитганимизнинг 30 фоизи;
5. Мунозара. Бирга муҳокама қилганимизнинг 40%;
6. Машқ. Ўқиган, ёзган, гапирганларимизнинг 50%;
7. Ишбилармон ўйини, лойиха усули. Мустақил ўқиганларимизнинг, таҳлил қилганларимизнинг, муҳокама, ҳимоя ва ёзганларимизнинг, намойиш қилганларимизнинг 75 фоизи;
8. Бошқаларни ўқитиши. Бошқаларни ўқитган нарсаларимизни 90 фоизи.

Бошқа янги ахборотни қабул қиласар эканмиз, аввалги ахборот хотирадан кўтарилиб кетади.. Ахборотлар ниҳоятда хилмакил бўлиб, инсон ҳар куни ўз ҳаётида қабул қиласадиган ахборотлар миқдори турлича бўлиб, хотирада сақланиб қолиш жиҳатидан бирбиридан фарқ қиласади.

Психологларнинг фикрича, ахборотни хотирада узоқ сақланиб қолиши учун, у гўёки миянгизда филтрдан ўтиши, сараланиши, гўёки хотира

курилмасига ўтказилиши керак экан. Ахборот сараланиб, охироқибат у ёки бу томони билан ажралиб турадиганларигина хотираға ўтар экан.

Узоқ муддат хотирада қоладиган ахборотларга қуйидагиларни киритиш мүмкін:

- Ниҳоятда қизиқарлилиги, жүшқинлиги ва бошқа шу каби хусусиятлари билан ажралиб турувчи ахборотлар;
- Тасаввур, хистуйғу ва шу каби бирбирини эслатадиган бөгланишдаги ахборотлар;
- Инсон томонидан тушуниб, мохиятига этилган ахборотлар;
- Фаоллик билан қабул қилинган ўрганилган, масалан, такрорланиб турадиган ахборотлар. Билимни ўзлаштириш билан бир қаторда уни ёдда сақлаш, ундан фойдаланиш, такрорлаб туриш мұхим ақамиятта эга. Олинган билимдан фойдаланылмаса, такрорлаб турилмаса хотирадан күтарилади.

Демак, талабалар энг аввало ўқув материалини ўзлаштириши, ёдда қолиши учун олинадиган ахборотни иложи борича эшитиш ва күриш орқалигина эмас, балки ўзи гапириши, ўз фаолиятида синаб күриши орқали этказиши катта ақамиятта эга экан.

Бунга дарс ўтишда турли туман методларни қўллаш орқали эришиш мүмкін. Умуман олганда, ўқитувчиларнинг дарс жараёнида турли методларни, ўқув топшириқларини қўллаб, ўз талабаларида билим олишга иштиёқ үйғотишлари ниҳоятда мұхим ақамиятта эга.

Педагогларнинг мұхим вазифаси, мақсади айнан турли методлар орқали талабаларни билим, ахборот олишни турли шаклларига тезда мослашишга, ўз дунёқарашини кенгайтириш учун ҳаракат қилишга талабаларни қизиқтириш ва уни амалга оширишdir.

Айниқса, хозирги пайтда муваффақиятли фаолият юритиш учун жуда қўп соҳаларга, билишнинг турли методларини қўллаш ва билим беришда мослашувчанлик, рангбаранг педагогик усуллар кўллаш талаб этилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар, ислоҳотлар таълим стандартларини ўзgartиришга, янги фан, ўқув

курсларини киритишнегина эмас, балки дарс ўтиш методларини ҳам ўзгартиришни, талабаларни дарсга қизиқиб, фаол қатнашишларини таъминлайдиган методларни қўллаш эҳтиёжларини келтириб чиқарди. Шунинг учун жаҳон педагогикасида асосий эътибор талабаларда ана шу хислатларни ҳосил қилишга қаратилди. Тажриба талабаларда айнан ана шу хислатлар, кўникумаларни ҳосил қилишда дарс беришнинг интерактив методларини қўллаш ижобий натижа беришини кўрсатди. Бу услублар дарс ўтишни диалог тарзда амалга оширишга, айниқса, талабаларни дарсга фаол қатнашишларини таъминлашга қаратилган.

Ҳар қандай фандан дарс ўтишда турли методларни, айниқса, интерактив методларни қўллаш зарурияти яна шунда ифодаланадики, биринчидан, бундай методларни қўллаш дарсни қизиқарли ўтиш ва талабаларни дарсга фаол қатнашишларини, иккинчидан, уларнинг диққатини ўтилаётган дарсни ўзлаштиришга қаратишларини таъминлайди.

Дарс ўтишда қўлланиладиган методларни шартли равища: анъанавий дарс ўтиш услублари ҳамда талабалар фаоллигини оширувчи интерактив методларга ажратиш мумкин.

Анъанавий дарс ўтишда дарснинг асосий мақсади кўпроқ тушунтиришга қаратилган бўлиб, ўқитувчи билим берувчи, ўқувчи талаба билим оловчи ролини бажаради. Уларни ўрганилаётган мавзуни қай даражада ўзлаштирганларини назорат қилиш жараёнида билдирган фикрларига қараб аниқланади.

Педагоглар, педагоголимлар дарс жараёнида ўқувчи, талабалар ўртасида ҳамда улар билан ўқитувчи орасида юқори даражада ҳамкорлик ўрнатилса, уни интерактив ҳисоблашади.

Одатда бундай ҳамкорлик у ёки бу муаммони эчиш йўлларини фикрлашиб топишда, қабул қилинган қарорни қай даражада қўлласа бўлишини муҳокама қилишда ўрнатилади. Шунга алоҳида эътибор бериш керакки, муҳокама жараёни уни жавобларидан ҳам муҳимроқ. Таълим интерактив методларининг мақсади билим бериш эмас, балки ўқувчи, талабаларда

мустақил равишда ўқиши, изланиши, саволларга жавоб топиш, қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантиришидир.

Дарс ўтишнинг талабалар фаоллигини оширувчи интерактив методлари айрим адабиётларда ноанъанавий дарс ўтиш методлари деб ҳам таърифланади. Бу методлардан авваллари ҳам фойдаланилган, лекин камроқ эътибор берилган. Ҳозирги пайтда бутун дунёда фаол интерактив методларни қўллашни дарс ўтишнинг самарали методи сифатида тан олиниб, кенг қўлланилмоқда.

Интерактив методика ўзаро ҳамкорликнинг ниҳоятда кўп усул ва турларини қамраб олади. Лекин методик усул қандай бўлишидан қатъий назар, ўқувчи талабаларнинг тажрибалари асосий таълим манбай ҳисобланади. Ҳамкорлик асосида амалга оширилаётган методларнинг асосий хусусияти шундаки, унда ўқувчи, талаба ўзи учун ниманидир кашф қиласди.

Интерактив методлар «ўқишига ва ўқишига» ўргатади. У ўқувчи талабаларнинг ниҳоятда катта интеллектуал потентсиалидан фойдаланиш имконини беради, уларни ўқув жараёнида фаол қатнашишларини таъминлайди. Ўқув жараёнида нафақат ҳамкорлик, балки мусобақа, беллашув элементларини ҳам қўллаш имконини беради.

Интерактив методлар талабаларни ўз фикрини ифодаласи учун кенг имконият яратиб берибгина қолмай, ўртоқларининг фикри, асослари, далилларини тинглаб, ўз фикридан қайтиши ёки фикрини тамомила ўзгартириши мумкин. Интерактив методлар бошқаларнинг фикрига ҳурмат билан қарашга, уни сабртоқат билан эшитишга ҳам ўргатади. Аудиторияда ҳамкорлик муҳитини яратишнинг реал имкониятини яратади.

Ўқитувчи яхши дарс беришнинг тайёр ретсептига эмас, балки интерактив методларга асосланган таълим технологиясига эга бўлиши керак. У ижодий ҳамкорликда ишлашга ва масъулиятли қарорлар қабул қилиш учун тайёр туришга ўргатади.

Таълимнинг интерактив методлари педагогларда:

- дарсда ўрганилаётган мавзуга қизиқиши уйғотишни таъминлайди;
- ўқув материалыни пухта ўзлаштириш имконини беради;

- ўқувчи, талабанинг таҳлилий фикрлашини ривожлантиради;
- барча ўқувчи, талабаларни ўкув жараёнига тортиш, фаоллигини ошириш учун шароит яратади;
- гурухда кўнгилдагидек ижобий психологик иқлим, муҳит яратади.

Дарс ўтиш методлари турлича бўлиб, улардан айримлари қўйидагилар:

Тўғридантўғри баён қилиш услуби. Бу модел (услуб)да янги тушунчалар, навбатманавбат, астасекинлик билан, мантикий изчилликда бериб борилади. Бу услуг кўпроқ маъруза ўқиганда қўлланилади.

Гурухларда жуфтлик ёки кичик гурухларга бўлиниб ишлаш. Бу услубда жуфтлик ёки кичик гурух билан биргаликда қўйилган у ёки бу масалани, маълум белгиланган вақт ичida ўзаро фикр алмашиш, мулоқот қилиш орқали эчиш кўзда тутилади.

Интервю – бир ёки бир неча кишилардан ахборот олиш учун аниқ мақсадга қаратилган сўров (саволжавоб) ўтказилади.

Дарсни аниқ йўналтирилган (мўлжалланган) саволлар асосида олиб бориш. Бу услубда мавзу бўйича аниқ йўналтирилган саволлар билан мавзу муҳокама қилинади. Ўқитувчи саволжавоб, сухбатни бошқариб туради.

Моделлаштирувчи амалий ўйинлар ва машқлар. Бу услубда талабалар қатнашади. Моделлаштиришда абстракт услублардан фойдаланиб, реал воқеликка иложи борича яқинлаштирилади. Бу услуг осон тушунадиган талабаларга қўл келади. Моделлаштирувчи ўйинда талабалар ўзлари белгиланган ролларни бажарадилар. Ўз хаттиҳаракатлари орқали зарур малака ва кўникмаларни эгаллашади.

Реферат – баҳолаш нуқтаи назаридан нейтрал позитсияда турган ҳолда мавзу бўйича оғзаки ахборот бўлиб, у аниқ объектив, структура, китоб ёки рисоланинг мазмунини қисқача баён қилиш ёки бирон мавзу, асар бўйича қисқача доклад тарзида тайёрланиши мумкин.

Доклад ёки қисқача доклад мавзу ёки муаммони тартибга солинган ҳолда таништириш ёки баҳолаш тарзида баён қилинади.

Масала ёки машқ эчиш. Ўтилганларни назарий жиҳатдан ёдга тушириб, берилган топшириқни бажариш. Назарий билимни мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларга эга бўлишга қаратилади.

Тадқиқот методи. Бу методда бирон муаммо ёки гипотеза қўйилиб, гурух биргаликда тадқиқот ўтказади, мантиқий хулоса чиқарилади, уни илгари сурилган гипотеза билан таққослайди.

«Ақлий штурм» методи муайян муаммо эчиш учун талабалар ўртасига қўйилади.

Унда ҳар бир гурух ёки алоҳида талабалар томонидан фикр ва мулоҳазалар билдириллади. Улар солиштириллади ва хулоса чиқарилади.

Конкурс(танлов)лар ўтказиши. Маълум бир мавзу ёки муаммо бўйича талабалар олган билимларини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланилади.

Дарс ўтишда бошқа қатор методлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни ўқитувчи мавзунинг мазмуни, гурухнинг тайёргарлигига қараб, қўллаши мумкин.

Дарс бериш жараёнида турли методларни қўллашни ҳозирги пайтда кенг тарғиб қилинаётганига қарамай ҳали кутилган натижага эришилгани йўқ. Бунинг қатор сабаблари қуйидагича:

- дарс жараёнини турли методлар асосида ташкил этиш, методларни қандай қўллаш бўйича методик қўлланмаларнинг йўқлиги;
- интерактив методларни қўллаш бўйича ўтказиладиган дарсларга тайёргарликнинг кўп вақт ва маблағ талаб қилиши;
- интерактив методларни кенг қўллаш учун барча олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида моддий базанинг этарли эмаслиги;
- интерактив методларни кенг қўллаб, дарс ўтиш ўқитувчидан чуқур билим ва маҳорат талаб қилиши;
- барча ўқитувчиларни бунга бирдай жалб қилишнинг қийинлиги ва ҳоказолар.

Бундан ташқари, ўқув жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар ва камчиликлар ҳам турли методларни қўллаб, дарс ўтишга тўсқинлик қиласди.

Ўқиши жараёнини ташкил этишдаги қийинчиликлар:

а) бутун ўқув жараёнини ташкил қилишга тегишли;

б) ўқув материалининг маълум бир қисмига тегишли бўлиши мумкин.

Камчиликлар эса:

- 1) умумий характерга эга бўлган;
- 2) ўқув жараёнидаги индивидуал тўсиқлар;
- 3) груп туфайли келиб чиқсан қийинчилик;
- 4) дарс жараёнини ташкил қилишдаги қийинчиликлар туфайли келиб чиқсан тўсиқлар.

Дарсни ташкил қилиш билан боғлиқ қийинчиликлар шовқин, дарс пайтидаги танаффус, дарсни бошқалар томонидан бузилиши туфайли келиб чиқиши мумкин.

Дарс жараёнида қўлланиши керак бўлган техник воситалар, дарслик, зарур ўқув қуроллари этишмаслиги кабилар ҳам қийинчиликлар туғдиради.

Ўқитувчининиг ўз фанини пухта билмаслиги, фанга доир янгиликлардан хабардор эмаслиги, ўзини бирорбир айби бор ёки бирор нарса этишмаётгандай тутиши ҳам дарс ўтишда қийинчилик туғдиради.

Талабаларнинг дарсда ўзини тута билмаслиги, ўзаро рақобатлашуви, ҳам дарс ўтказишга тўсиқ бўлиши мумкин.

Дидактик характердаги камчиликлар:

- ўқитувчининг хукмронлик ролини ўйнаши;
- ўқитувчининг ўзини тута билмаслиги;
- ўқитувчидаги сабртоқатнинг этишмаслиги;
- хушмуомалалик, хушфеълликнинг этишмаслиги;
- ёрдам беришга тайёр туришдаги камчилиги;
- хайрихоҳ эмаслиги, талабаларни кўркўона сўзсиз бўйсунишга мажбур қилиши кабилардан иборат.

Дарс ўтишда юз берадиган турли камчиликлар натижасида талабаларнинг ўқишдан кўнгли совийди. Бу индивидуал, руҳий ва интеллектуал қобилияти даражасига нисбатан ўзлаштириш даражасини тушиб кетишида ифодаланади.

Ўқув жараёнида тўсқинликлар юз берганми йўқлигини қуидаги мезонлар бўйича аниqlаш мумкин:

- ўзлаштириш кўрсаткичининг пасайиши;
- дарсга қатнашиш даражасининг пасайиши;
- материални ўзлаштириш учун ажратилган вақтда улгурмаслик.

Демак, дарс жараёнини ташкил қилишда ўқитувчи иложи борича ана шу камчиликлар юз бермаслигининг олдини олишга ҳаракат қилиши керак.

Дарсда педагог интерактив методларни қўллаши учун шахсий тажриба талаб қилинади.

Интерактив метод ва уларни қўллаш ҳакида кўплаб ўқув, услугий адабиётларни ўқиш мумкин. Лекин уларни қўллаш малакасига эса бевосита ана шу жараёнда ўзи қатнашибгина эга бўлиши, кўникма ҳосил қилиши мумкин.

Тараққиёт туфайли ҳаётимизга компьютер, интернетнинг кириб келиши, ўқиш, ўрганишнинг муҳим методи сифатида масофадан ўқитишни шаклланишига, ривожланиб боришига олиб келди.

Ёшларнинг чуқур билим, малака, кўникмага эга бўлишга эҳтиёжларини қондириши мумкин бўлган юқори малакали профессор ўқитувчилар билан таъминланган билим масканларининг марказда ва йирик шаҳарларда жойлашгани масофадан ўқитиш тадбирларининг вужудга келишига туртки берди.

Ҳаётда шундай категориядаги кишилар борки, улар ўз билимларини оширишга. тинмай изланишга эҳтиёж сезадилар. Лекин уни амалга ошириш учун анъанавий таълим тизими хизматларидан фойдаланишга имкониятлари йўқ. Улар учун энг қулайи ўз хизмат вазифаларини бажарган ҳолда малакаларини оширишdir. Бундай эҳтиёжни масофадан ўқитиш ёрдамида қондириш мумкин.

Масофадан ўқитишни қулайлиги шундаки, ундан барча аҳоли қатламлари фойдаланиши мумкин. Масофадан (дистантсион) ўқитиш талабани мустақил билим олишга асосланган таълим жараёнини янгича ташкил этишdir. Таълим олиш жараёни, муҳити шу билан характерланадики, билим олаётганлар ўқитувчидан вақт ва масофа жиҳатидан ажралган ҳолда, узоқда, лекин

телекоммуникатсия воситалари ёрдамида диалог олиб бориш имкониятига эга бўладилар.

Масофадан ўқитиши ўқув материалини хатлар, топшириклар ёки аудиовизуал воситалар орқали мустақил ўрганишдир.

Масофадан ўқитиши ўзига хос қатор афзалликларга эга бўлиб, улар куйидагилардир:

1. Сабоқ олаётганлар анъанавий ўқишига ўхшаб маъруза, семинар дарсларга муентазам қатнашмайдилар. Улар ўрганаётган фанини, курсини ўзлаштириши учун, мутахассислик бўйича зарур билимларни олишга қанча вақт зарур бўлса, шунча ўқийди.

2. Ўқиши жараёнини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, касбий фаолият билан биргаликда олиб бориш мумкин.

3. Республикализнинг энг чекка худудларида яшаётганлар ҳам юртимиз ва чет эллик энг таникли профессорўқитувчи олимлардан сабоқ олиш, жаҳоннинг машҳур кутубхоналари фондидаги ноёб асарлар билан танишиш имконига эга бўладилар. Ундан ташқари ўқитиши ҳар икки томон учун қулай вақтда, суръатда, келишилган ҳолда олиб борилиши мумкин.

4. Масофадан ўқитиши кенг ёйилган мамлакатлар тажрибаси, ҳисобкитоблари шуни кўрсатадики, анъанавий таълим тизимиға қараганда бу 1050 фоиз арzonга тушади.

Харажатларни пасайтиришига ўқув хоналари, техник воситалардан самарали фойдаланиш, ўқув материалларини контцентратсияси ва унификатсияси орқали эришилади. Шубҳасиз, ана шу афзалликларни ҳисобга олган ҳолда республикамизда ҳам кейинги пайтларда масофадан ўқитишини йўлга қўйишига катта эътибор қаратилмоқда. Лекин масофадан ўқитишини республикамиз миқёсида жорий этиш биз хоҳлаганимиздек тезда амалга оширилиши қийин. Сабаби, қатор муаммолар мавжудки, уларни эчмай туриб, кўйилган мақсадга эришиб бўлмайди. Энг аввало, масофадан ўқитишини ташкил этиш учун мувофиқ равишда инфратузилмани яратишни талаб қиласди. Зарур

микдорда дастурлар билан компьютерларга эга бўлиб, уларни умумий тармоққа улашни ташкил этиш керак.

Масофадан ўқитиши янги информатсион технология, компьютер, аудио, видеотехника, телекоммуникатсия воситалари тизимини талаб қиласди, уни шакллантириб, хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш лозим.

Виртуал ахборотдан фойдаланмоқчи бўлганлар учун кутубхона фондлари компакт дисклар, мувоғиқ равиша каталоглар билан тъминлаш, уларни умумий тармоққа бирлаштириш зарур. Ўқув адабиётларининг электрон варианларини комплекс тарзда тайёрланишига аҳамият бериш зарур.

Фанлар, курслар бўйича таълим мазмуни давлат таълим стандартлари талабларига мос ўқув комплексларини яратиш лозим. Бу ҳолда дарсликдар, қўлланмалар ўрганилаётган фан бўйича масала, машқ, тестлар, глоссарий, ўзўзини текшириш учун саволжавоблар, кўргазмали қуроллар ҳозирланиши, ўқув методик тўпламларнинг электрон варианлари яратилишига аҳамият бериш зарур.

Иқтисодий фанларни ўрганиш анча мураккаб бўлиб, ўрганувчидан кучли ирода ва сабртоқат, тинимсиз изланишни, ўз устида ишлашни талаб қиласди. Маълумотлар, далиллар ўзгариши қандай натижага олиб келиши, улар асосида тўғри хулоса чиқаришни билиш иқтисодий фанларнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодий йўналиш бўйича билим олаётган ёшлар учун, айникса, иқтисодий фанларни, аввало, иқтисодиёт назариясини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиёт назарияси, бошқа иқтисодий фанларни масофадан ўқитиши учун зарур электрон ўқув дарсликлари, қўлланма, услугубий адабиётлар тайёрлаганда буни албатта ҳисобга олиш зарур. Лекин ҳали ана шу талабларга жавоб берадиган ўқув, услугубий адабиётлар яратилганича йўқ. Уларни яратиш мashaқатли меҳнатни, вақтни талаб қиласди.

Бундан ташқари, масофадан ўқитиши ўқишини хоҳлаганлардан ўз устида тинимсиз ишлаш, ўз вақтини тўғри ташкил этиш, маълум даражада бошланғич билим ва кўникмага эга бўлишни талаб қиласди. Бунга, албатта, катта

миқдордаги маблағ, вақт, меңнат зарур. Қўйилган мақсадни қисқа муддатда амалга ошириш учун эса, талабаларга дастлабки билим берувчи, ўқув адабиётлари комплексини тайёрловчи профессор ўқитувчилардан бошлаб, масофадан ўқитишни ташкил қилишга масъул юқори бошқарув бўғинлари вакилларигача ўз ишларига масъулият билан ёндашишлари талаб қилинади. Бу эрда яна бир нарсани унутмаслик керакки, талаба билан ўқитувчи ўртасидаги жонли мулоқотни ўз ўрни бор, уни ҳеч нарса боса олмайди. Масофадан ўқитиш технологияси кўп миқдордаги талабаларга мўлжалланган. Агарда уларнинг сони кам бўлса, сарфхаражатларни ошиб кетишига олиб келади.

## **2.2. Иқтисодий билимга эга кадрларни тайёрлаш ва дарс бериш мазмунини ўзгартириш – давр талаби эканлиги**

Фан техника тараққиётининг илгор натижаларини қўллаш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, юқори самарали техникатехнологиялардан фойдаланиш меңнат омилига янги талаблар қўймоқда.

Ҳозирги кунда унинг миқдор ва сифат жиҳатлари ўртасидаги нисбат кескин ўзгариб бормоқда. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқаро меңнат тақсимотида муносиб ўрин эгаллаш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари кўп жиҳатдан ишчининг билими, малакаси, вазиятга қараб иш тута олишига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

1998 йили ЮНЕСКО ташкилотчилигига «XXI асрда олий таълим: ёндашувлар ва амалий тадбирлар» деган мавзуда ўтказилган жаҳон анжумани декларатсияси янги асрда олий таълимга бўлган талаб мисли кўрилмаган даражада ўсиб бориши, яъни ёш авлод янги билим, ғоя ва қўнималарни эгаллаши, ижтимоий, маданий ва иқтисодий тараққиётда унинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини кенгроқ англашга интилишининг кучайишини таъкидлаган эди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, XXI аср таълим олишнинг ўзига хос даври бўлиши кутилмоқда, чунки эндиликда таълим ахборотлар оқими

кучайган шароитда амалга оширилади. Бу жараёндан албатта касбий таълим ҳам четда қолмайди.

Мустақиллик, бозор иқтисодиётига ўтишимиз мамлакатимиздаги барча соҳалар каби таълим соҳасини ҳам ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқарди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўрсатилгандек, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва қатор чора–тадбирлар кўришни: «Таълим тўғрисида»ги қонунни жорий этиш, янги ўқув режалари, дастурлари, дарслекларини тайёрлаш, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқиши, ўқув юртларини аттестациядан ўтказишни ва аккредитатсиялашни, янги типдаги таълим муассасаларини ташкил этишни тақозо этди.<sup>1</sup>

Дастурда таъкидланганидек, кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқ эмаслиги, ўқув жараёнининг моддий техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг этишмаслиги, сифатли ўқувуслубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларининг камлиги, таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интегратсиянинг йўқлиги ва бошқалар кадрлар тайёрлашдаги муҳим камчиликлар эди. Мамлакатимизда таълим тизимида қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, у ўз навбатида замон талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашга тўсқинлик қила бошлади. Уларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг камчиликлар ва муаммолар қисмида кўрсатиб ўтилган.

Таълимни меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни, жаҳондаги илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш зарурати вужудга келди. Бундан ташқари илмий муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий институтларни кадрлар тайёрлаш жараёнига етарли даражада кўшилмаганлари ҳам мамлакатимизда кадрлар тайёрлашни замон талабига жавоб бермаслигига олиб келди.

---

<sup>1</sup> Олий таълим Меъорий хужжатлар тўплами. “Шарқ”. Тошкент.2001, 20-бет.

Күнгилдагидек билимдон мутахассис кадрларни тайёрлаш инсон салоҳиятини юзага чиқариш уларни ҳар жиҳатдан билимдонлик билан ўқитиш жараёнини ташкил этишга боғлиқ.

Шундай қилиб:

1. Маълум сабабларга кўра, жаҳон ҳамжамияти тараққиётида ортда қолган жамиятимиз, тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш учун, аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш учун энг илғор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги.

2. Анъанавий ўқитиш тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли “ахборотли ўқитиш” сифатида тавсифланиб, ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолганлиги.

3. Фан техника тараққиётининг ўта ривожланганлик натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегаралангандиги.

4. Кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ якунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги.

5. Ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишини талаб қилиши.

6. Талабаларни индивидуал хусусиятлари, ахборотни қайта тиклаш қобилияти ва бошқа хислатларини рангбаранглиги замон талабига мувофиқ кадрлар тайёрлаш учун замонавий таълим усулларини қўллашни талаб қиласди.

Ҳозирги даврда фан техника тараққиётининг ўта ривожланиши ахборот оқимини кескин кўпайишига олиб келди. Лекин ахборотни қабул қилиш, ўзлаштириш, таҳлил қилиш, баҳолаш, улар асосида хулоса чиқариш учун вақт нихоятда чекланган. Ахборот олинадиган манбалар турли туман ва хилмажил. Тараққиёт туфайли улар янада такомиллашиб, янгиянги турлари вужудга келмоқда.

Инсон туғилганидан бошлаб, то умрининг охиригача ахборот қабул қиласи ва олинган ахборотга ўз муносабатини билдиради. Инсон томонидан қабул қилинадиган ахборотлар тайёр ёки янги шакллантириладиган билимлардан иборат бўлади.

Биринчи ҳолатда тайёр билимлар ўзлаштирилади. Иккинчи ҳолатда янги билимга эга бўлиш учун интилиш тифайли уларни такомиллаштириш ва бойитиб бориш жараёни амалга оширилади. Ҳаёт учун кураш, инсоннинг ўзўзини сақлаш, ҳимоя қилиш инстинкти янги билимлар учун интилишни ҳаётий заруриятга айлантиради. Ёшларнинг мавжуд билимларни ўзлаштириш, янги билимлар учун интилиши, асосан, таълим жараёнида шакллантирилади.

Таълим жараёнитаълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги қўйилган мақсад асосида белгиланган билим, кўникма ва тарбияни таркиб топтиришга йўналтирилган ўзаро мулоқот (таъсир кўрсатиш) жараёнидир.

Таълим мақсади таълим натижаси сифатида ўқувчи эришиши лозим бўлган билим, кўникма, малака, одоб бўлиб, айнан шулар унинг шахсий фазилатларини шакллантиради. Ахборотларни ўзлаштириш жараёнида қўйидаги билим босқичлари иштирок этади.

- Сезги (кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, ҳис қилиш, улар инсоннинг кўзи, қулоғи, бурни, тили, териси орқали юз бериб, билишнинг бошланғич воситачилари ҳисобланади). Сезиш ҳали маълумотларни ўзлаштириш деган сўз эмас, бунда сезгилар орқали маълумотлар бир неча хусусиятларига кўра яхлит ҳолатга олиб келинади. Бу – маълумотларни идрок қилиш, дейилади.

- Идрок (маълумотларни ранглар, белгилар, ҳаракат, кўриш, эшитиш, сезиш, ҳис қилиш орқали яхлит тасаввурга олиб келиш).

- Хотира. У механик, образли, қисқа ва узоқ муддатли, ихтиёрий, ихтиёrsиз, тезкор бўлиши мумкин.

- Тафаккур. Инсонни инсон сифатида барча мавжудотлардан алоҳида ажralиб туриши, уни табиатнинг гултожи сифатида эътироф қилиниши хам тафаккур билан боғлиқ. У таҳлил қилиш, синтез қилиш, таққослаш,

мавхумлаштириш, умумлаштириш, классификатсиялаш (туркумларга ажратиш), қарор қабул қилиш кабиларни ўз ичига олади.

- Хаёл, ижодкорлик. Янги тимсоллар, янгиликлар яратиш, ихтиrolар қилиш кабилардан иборат.

Одамлар таълим олиш, янги билимларни ўрганиш жараёнида билишнинг турли воситалари, шакллари, босқичларига мурожаат қилишлари табиий. Бу жараён инсоннинг ёш хусусиятларига кўра ўзгариб такомиллашиб боради. Маълумки, академик лицей ва касб ҳунар коллежларида ўқиётган ўқувчиларнинг ёши 15-18 ёш атрофида. Улар кўпроқ ўзларидан катта ёшдагиларнинг, хусусан ўқитувчининг маслаҳатига, ёрдамига муҳтож.

Олий мактаб талабалари эса балоғатга этган, этук, мустақил ҳаётга қадам ташлаган ёшлар. Уларнинг дунёқарashi академик лицей ва касб ҳунар коллежлари талабалари дунёқарашидан анча фарқ қиласди. Улар кўпроқ мустақил фаолият юритишга интилишади. Шунинг учун ҳам академик лицей, касбхунар коллежларида ҳам, олий мактабда ҳам дарс

жараёнини ташкил қилишда ўқувчи, талабаларнинг ёшини ҳисобга олиш зарур. Ёшларга хос қатор хислатлар дарс жараёнини ташкил этиш, дарс ўтиш методларини танлашда муҳим рол ўйнайди. Чунки дарс улар учун зерикарли машғулотга айланмаслиги керак. Асосийси, дарс жараёнида қўлланадиган услублар ўқувчи талабаларни таҳлилий фикр юритишга, ўз фикрини мустақил баён қилишга ўргатиши лозим.

Академик лицей ва коллежларда иқтисодий фанлардан дарс ўтишнинг ўрта мактаб ва олий мактабдагидан муҳим фарқи дарс жараёнини ташкил этишдир.

Академик лицей ва коллежларда дарс 80 минут бўлиб, мавзунинг ўқувкалендар режасида ажратилган соатига кўра «назарий ва амалий машғулот»га бўлинади. Муфовиқ равишда дарсни ташкил этиш шакли ҳам фарқ қиласди.

Академик лицей ва коллежларда ўтиладиган фанлар уч гурухга бўлинади:

1. Умум таълим фанлари.

а) чуқурлаштирилиб ва қўшимча гурухлаштирилиб ўтилаётган фанлар.

2. Умум касбий таълим фанлари.

3. Maxsus фанлар.

Иқтисодий фанлар мазкур академик лицей ёки касбхунар коллежида қайси блокка киритилишига кўра дарс соатлари белгиланади.

Ўқитувчи дарс ўтиш ва дарс ўтишда қўлланиладиган методларни танлашда фанни қайси блокка киритилганлигини ҳам ҳисобга олиши керак.

Академик лицей ва Касб хунар коллежларида таълим кўпроқ мавжуд билимларни ўзлаштиришга қаратилса, олий таълимда эса кўпроқ ижодий изланувчанликка қаратилади.

Психологларнинг фикрича, билимларни ўзлаштириш, буянги қабул этилаётган ахборотни ўқувчи талаба онгидаги аввалги мавжуд бўлган ахборотлар тизимиға киритишдир. Уларда билим қанчалик кенг бўлса, янги ахборотни қабул қилиши шунчалик осон кечади. Ўқитувчи яна шунга эътибор бериши керакки, у янги фанни ўрганишни ёки янги мавзуни ўтишни бошлар экан, албатта уларга тааллуқли, ахборотни қайта тиклаши ҳамда янги фанни, мавзуни ўзлаштириш учун асос ҳосил қилиши зарур. Айниқса, шу ёшдаги ўқувчи, талабаларни қизиқтирадиган савол, муаммоли вазият яратилиши уларни фанни, мавзуни ўрганишга фаоллигини кучайтиради.

Шунинг учун академик лицей, Касб хунар коллежларида ўқитувчи дарс ўтиш методларини фанни ўрганиш, унинг асосий тушунчаларини ёдда сақлаш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда танлаши зарур. Асосий тушунчаларни англаш, пухта ўзлаштиришлари баробарида тафаккурни ўстиришга, ривожлантиришга қаратилган ўқув методларини қўллашга аҳамият бериш керак.

Умуман ўқувчи талаба ўйлашга ўрганмаса, олган билимларидан фойдалана олмайди. Айниқса, бозор иқтисодиётида инсоннинг ўйлаши, таҳлил қилиши, таққослаб, қарор чиқариши мухим аҳамиятга эга бўлади. Чунки ҳар қандай соҳада муваффақиятли иш юритиш учун тафаккур ривожланган бўлиши зарур.

Ўқитиши услубининг пировард мақсади чуқур билим беришгина бўлмай, ёшларда мустақил билим олишга интилишни уйғотиш, уларни тарбиялаш ҳамдир. Ахборот турлитуман шаклларда қабул қилинади. Кимнинг ахборотни турли тарзда қабул қилиш қўлидан келмаса, бу унинг учун катта йўқотиш бўлади.

Агар ўқитувчи ўқувчи, талаба ёқтирилмаган услубда дарс олиб борса, унинг ўқишидан кўнгли совиб, фан билан шуғуллангиси келмай қолиши мумкин. Шунинг учун турлитуман усуллар билан дарс ўтиш, ҳар бир ўқувчи, талабанинг дарсга фаол қатнашишига омил бўлади. Уларда мустақил фикрлаш ва қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қиласди.

Таълим методларини ўқитиши методлари ва ўрганиши методларига ажратиш мумкин: Ўқитиши методларига билим бериш усуллари сифатида қаралади. Бунда ўқитувчи талабаларнинг билиш фаолиятига таъсир кўрсатади, унинг дунёқарашини шаклланишига ёрдам беради. Ўрганиши методлари билим, малака, кўникмаларни ижодий эгаллашга йўналтиради.

Академик лицей, касб ҳунар коллежлари олий мактаблардан ўрганиладиган билим ҳажми билан фарқ қиласди. Демак, дарс жараёнини ташкил этиш, фанни ўрганиши бўйича уй вазифалари ва топшириқлар ҳажми ҳам фарқланади.

Коллеж, мактаб таълими методларини шакллантиришда, ўқитишини ташкил этишда таянч муассаса ҳисобланади. Академик лицей ва Касб ҳунар коллежларида дарс ўтганда ўқитувчилар дарс ўтиши методларини ўқувчиларнинг ёшига мосларини танлаши, мураккабларининг эса соддалаштирилган вариантларини ишлаб чиқишилари ва қўллашлари зарур бўлади.

Шундай қилиб, академик лицей, касб ҳунар коллежлари ва олий ўқув юрти ўқитувчилари дарс ўтишда, албатта, ўқув юртининг, ундаги таълим оловчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишлари, шу билан бирга, уларни дарсга фаол қатнашишларини таъминловчи, тафаккурни ўстиришга, ривожлантиришга қаратилган ўқув методларини қўллашга эътибор беришлари

лозим. Ўқитувчиларнинг малакаларини оширишга, уларни дарс бериш жараёнида турли методларни қўллашлари учун тажриба алмашишга катта эътибор берилишига қарамай, ҳали ҳам барча таълим масканларида ўқув жараёнини ташкил қилиш ва дарс ўтишда турлитуман интерактив методларни қўллаш кўнгилдагидек эмас. Бунинг қатор сабабларини кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, барча ўқув юртларида моддий таъминот бир хил эмас.

Иккинчидан, барча ўқитувчилар интерактив услубларни қўллаш бўйича тажриба тўпламаган.

Учинчидан, бунга ҳар бир ўқитувчи учун белгиланган дарс соатининг ҳафтасига қанча бўлиши ҳам таъсир кўрсатади.

Ўқитувчиларни ҳар бир дарсга мавзу бўйича тайёрланиш, янги методларни қўллаб, дарс ўтиш жисмонан толиктиради. Шунинг учун осонроқ йўл қидиришлари табиий. Улар учун камроқ куч, ташвиш талаб қиласидиган методларга мурожаат қилиш қулайрок.

Тўртинчидан, турли услубларни қўллаб дарс ўтиш учун зарур қўлланмалар йўқ. Шунинг учун иқтисодчи педагоглар талабаларда иқтисодий тарбияни шакллантиришда иқтисодий фанларни ўқитишда ушбу жиҳатларни ҳисобга олиб дарсни тизимлаштириш зарур.

### **2.3. Касб-ҳунар колледжларида иқтисодий фанларни амалий ўрганишнинг иқтисодий тарбияга таъсири**

Иқтисодий фанларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни ўрганишда марказий ўринни масала, машқ ечиш эгаллайди. Сабаби: 1) масала, машқ ечишни мукаммал билиш, олган билимни амалиётда қўллаш имконини беради.

2) масала, машқ ечиш орқали талабаларнинг билим олишдаги фаоллиги ортади.

3) масала машқ фикрлашни ўргатади.

Шунинг учун ҳам масалага факат топшириқни ҳисобкитоб асосида бажариш, жавобини аниқлаш эмас, балки фикр юритиш обьекти сифатида қаратилиши бежиз эмас.

Масала ёрдамида фанни ўрганганда аниқ рақамлар, далиллар, ҳужжатлар асосида таҳлил қилиш имконияти кенг. Ундан ташқари моделлаштирувчи ўйин, кичик гурухларга бўлиш, конкурс ўтказиш ва бошқа методлар асосида дарс ўтишда ҳам масаламашқлардан кенг фойдаланиш имконияти катта.

Иқтисодий фанлардаги машқлар талабаларни мушоҳада қилиш, ҳулоса чиқаришга ўргатиш билан бирга кам вақт сарфланиши, айрим масалаларда иккиланиб турган талабаларни тўғри жавоб топишга ўргатади.

Масала, машқ эчиш жараёнида талабаларнинг қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва йўриқномаларни қай даражада билишларини ҳам аниқлаш мумкин. Улардан мунозара, дебатлар методини қўллашда ҳам кенг фойдаланса бўлади.

Масала машқлар талабалар билимини синашда ҳам энг қулай метод.

Масала машқлардан фанни ўрганиш учун тарқатма материал тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин. Улардан дарсда фойдаланиш турли интерактив методларни қўллаб дарс ўтишни ташкил этишда фойдаланиш имконияти ниҳоятда катта.

Масала, машқлардан фойдаланиб дарсни танлов ўтказиш шаклида ташкил этиш мумкин. Бунда тенг қучли масаламашқлар тайёрланиб, кичик гурухларга жуфтлик ёки индивидуал тарзда эчишга қараб дарсда қўйилган мақсад амалга оширилади.

Масала, машқларнинг мураккаблиги жихатидан табақалаштирган ҳолда тузилиб, талабаларнинг салоҳиятига кўра берилади. Натижада мураккаб масалани эчолмай ҳафсаласи совийдиган талабаларни ҳам дарсга, ўрганилаётган мавзуга диққатини қаратиш мумкин.

Хуллас, масала, машқлар, бир томондан синалган, қадимий дарс ўтиш услуги бўлса, иккинчи томондан, имкониятлари ниҳоятда қўплиги туфайли эскирмайдиган, доимо замонавий, учинчидан, универсал, барча иқтисодий фанларни ўрганишда қўллаш мумкин бўлган методдир.

Иқтисодий фанларни ўрганишда бу метод, шубҳасиз, ниҳоятда катта устунликларга эга, яъни:

\*Масалалардан фойдаланиш амалиёт йўналишига эга бўлгани учун мавзуни ўрганиш ва талабалар билимини назорат қилишнинг самарали усули ҳисобланади. Айниқса, талабаларнинг билимини назорат қилишда имконияти катта.

\*Масала мавзуси учун ҳар қандай вазиятни танлаш мумкин. Масалалар талабалар билимини бутун дастур бўйича назорат қилиш, шу билан бирга, асосий ёки қийин категориялар ёки мавзуларни тушунишга қаратилган бўлиши мумкин.

\* Масалаларнинг мунтазам эчиб турилиши ҳамда уни муҳокама қилиш талабаларнинг олган билимини узлуксиз назорат қилиш, тушунмаган категорияларни тушуниб олиш имкониятини беради.

Ўқувчи талабаларнинг пухта билим олишлари, иқтисодий фанларни чуқур ўрганишларининг энг самарали методлардан бири масала ва машқлардан фойдалапиш қандай аҳамиятга эга эканлигини кўриб чиқдик. Ўқитувчи масала ва машқларни ўқув жараёнида турли шаклларда ишлатиши мумкин.

Ўқитувчи дарс беришга тайёрланар экан, мавзуни ўқишида қўлладиган методларини, жумладан, масала, машқларни чуқур ўйлаб, улардан қандай тарзда фойдаланишни кўз ўнгига келтириши зарур.

Масала ва машқлар иқтисодий категория, қонунларни сифат характеристикиси билан бирга миқдор алоқаларини ҳам ўзида мужассамлаштириши билан муҳим рол ўйнайди.

Масала ва машқлар ҳисобкитоб қилишни тақозо қиласди. Бу эса ўқувчи талабаларнинг аниқ миқдорлар, рақамлар ёрдамида қонун ва категорияларни тушунишини осонлаштиради. Чунки иқтисодиётни назарий жиҳатдан ўрганишда, кўпинча, илмий абстрактсиядан фойдаланилади.

Кўпчилик ўқувчи талабалар илмий абстрактсия методини тезда тушунишмайди.

Масала ва машқлардан назарий дарсларда фойдаланишга икки нұқтаи назардан ёндашиш мүмкін:

А) Академик лицей, Касб хунар коллежларидаги іқтисодиётіи назарий жиҳатдан ўрганадиган фанлар: “Иқтисодий билим асослари”; “Иқтисодиёт асослари”, олий ўқув юртларида ўрганиладиган «Иқтисодиёт назарияси» фанларини ўрганишда масала, машқлардан фойдаланиш.

Б) Барча іқтисодий фанлардан назарий дарс ўтишда масала, машқлардан фойдаланиш. Масала, машқлар учун қуидегі қоидалар умумий ҳисобланади:

1. Назарий дарсларда масала, машқлардан фойдаланиш мөъенини билиш зарур.

Масала, машқлардан керагидан ортиқ фойдаланилса, назарий масалаларни ёритишга вақт этмай  
қолади.

2. Маъруза дарси учун қисқа вақтда эчиладиган масала тузган ёки танлаган маъқул.

3. Маърузада қўйилган масала, машқни охиригача эчиш шарт эмас. Баъзан масала машқни маруза жараёнида бошлаб, мустақил равишида давом эттиришни талабаларга топшириш мүмкін. Маъруза жараёнида ўқитувчи масала, машқни доскада ёки оғзаки шаклда эчиши мүмкін. Уларни олдиндан кўргазмали қурол ёки тарқатма материал сифатида тайёрланади.

Масалан, фирма фаолияти ва уни баҳолашни ўрганишда фойданинг қандай тақсимланишини кўрсатувчи масалани эчиш мүмкін:

Фирманинг ўз маҳсулотларини сотишдан олган тушуми 4,5 миллион сўм. Маҳсулотни тайёрлаш учун сарфланган умумий харажатлар 4 миллион сўмни ташкил этади. Олинган фойданинг 18 фоизи солиқقا, қолган ярми дивидендга тўланадиган бўлди. Фойданинг қолган қисмини 50 фоизи ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфланадиган бўлди. Фойда нормасини, солиқ ва дивиденд миқдорини, инвеститсияга ажратилган маблағ миқдорини ҳисобланг.

Бу масалани эчиш ўқувчи, талабаларга фойда, дивиденд ва бошқа тушунчаларни пухта ўзлаштиришларига ёрдам беради.

Дарс жараёнида биринчи навбатда фойда микдорини аниқлаш зарур, 4,5

млн. сўм 4 млн. сўм = 0,5 млн сўм, сўнгра:

фойда = 100% 0.5 млн сўм x 100%

фойда нормаси  $P = \frac{\text{фойда}}{\text{харажатлар}} = \frac{0.5}{4} = 25\%$  га тенг.

харажатлар 4 млн сўм

Ҳисобларни бажариш жараёнида фойда нормасини ўқитувчи тушунтириб беради. қолган ҳисобларни талабаларнинг ўзлари бажариб, бошқа тушунчаларни мазмуни эслатиб ўтилади. Бу эрда талабалар дикқатини билвосита (егри) солиқларга ҳам қаратиб ўтиш зарур. Қайси мавзуда, қандай тарзда масаладан фойданишни ўқитувчи ҳал қиласди.

4 Маъруза жараёнида қўлланиладиган масала, машқлар доимо реал маълумотлар асосида бўлиши шарт эмас. Унда шартли рақамлардан фойдаланиш мумкин.

Масалан, доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг фарқини кўрсатиш учун қуидагича масала тузиш мумкин:

Тикувчилик кичик корхонасида ой давомида 200 дона эркаклар кўйлаги тикилди. Тикиш учун қуидаги харажатлар қилинди.

Хом ашё харажатлари 300 000 сўм.

Енергия харажатлари 40 000 сўм.

Асбобускунанинг амортизатсия тўловлари 100 000 сўм.

Транспорт ёллаш учун харажатлар 30 000 сўм.

Иш ҳақи ва ижтимоий сугурта харажатлари 150 000 сўм.

Ижарага олинган хона учун тўланадиган ҳақ 20 000 сўм.

Умумий, кўйлак тикиш учун ўртача, доимий ва ўзгарувчан харажатлар улушкини ҳисобланг.

Бунда умумий харажатлар доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг йиғиндисига тенг.

Масаламиз бўйича доимий харажатлар амортизатсия тўловлари ва ижара ҳақидан иборат бўлиб,  $100000+20\ 000 = 120\ 000$  сўм; қолган харажатлар эса

ўзгарувчан харажатлар бўлиб,  $300000 + 40\ 000 + 30\ 000 + 150000 = 520000$  сўмга тенг; умумий харажатлар эса  $120\ 000 + 520\ 000 = 640000$ ;

Ўртacha харажатлар =умумий харажатлар/тикилган кўйлак сони  $= 640000 / 200 = 3200$  сўм

Доимий харажатлар умумий харажатларнинг  $120\ 000 : 640\ 000 = 1875$  ёки  $18,75\%$  ига тенг;

Ўзгарувчан харажатлар эса  $10018,75 = 1,25\%$  га тенг.

Бу масала ўқувчи, талабаларнинг умумий, ўртача, доимий, ўзгарувчан харажатларнинг мазмунини ўзлаштиришларига ёрдам беради.

5 Маъruzada берилган масала оддий бўлиши, маъruzani мураккаблаштирмаслиги, назарий қонунқоидаларни пухта ўзлаштиришларини ҳисоблар, рақамлар орқали мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак.

6 Ўрганилаётган мавзу, назарий қонунқоидалар кенг қўламда реал фактлар далилларни талаб қилса, бунда расмий маълумотлар асосида тузилган жадвал ёрдамида бажариладиган масала, машқлар қўл келади. Ўқитувчи саволни тушунтириш жараёнида статистик маълумотларни таҳлил қилиб, талабаларни назарий фикрлашга ўргатади. Амалий тавсиялар беради.

Бунда 1996 йилга қадар Ўзбекистон иқтисодиётининг пасайиб кетишининг қандай сабаблари бўлиши мумкин, деб аудиторияга мурожаат қилиниб, талабалар билан биргалиқда унинг сабаблари санаб чиқилади.

1. Собиқ Иттифоқ таркибида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, улар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни узилишига олиб келди.

2. Жаҳон бозорида пахта толаси нархи тушиб кетди. У ўз навбатида, четга асосан, хом ашё чиқаришга ихтисослашган Республикализ иқтисодиётига катта таъсир қилди.

3. Бозор иқтисодиётига ўтилиши туфайли мамлакатимизда таклифни талабга мослашимиз зарурати пайдо бўлди. Республикализ иқтисодиёти бундай имкониятга эга эмас эди.

4. Корхоналар режали иқтисодий шароитдан тамомила фарқланувчи бозор талаби бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиши зарур эди.

5. Мамлакатимизда бозор инфраструктураси этарлича ривожланмаган эди.

6. Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун молия ресурслари, технология, малакали кадрлар зарур эди.

Мамлакатимизда иқтисодий пасайиш сабабларини ўрганиб, уни бартараф қилишга қаратилган чоратадбирлар туфайли 1996 йилнинг ўрталариға келиб, ишлаб чиқаришдаги тушкунлик тўхтатилди.

Кейинги йилларда иқтисодий ўсишга эришиш таъминланди. Бунда:

а) ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга эътибор берилиши;

б) мулкни босқичмабосқич давлат тасарруфидан чиқаришни амалга оширилиши;

в) хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантирилиши;

г) бозор инфраструктурасини вужудга келтиришга аҳамият берилиши;

д) четдан инвеститсияларни жалб этишига алоҳида эътибор берилиши ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Фанни ўрганишда машқлар ҳам катта аҳамиятга эга. Юклатилган вазифага кўра, уларни:

а) формулани таҳлил қилиш билан боғлиқ;

б) иқтисодий категория, қонунқоидаларни таҳлил қилиш;

в) ахборот, рақамлар, фактларда ифодаланган маълумотларни таҳлил қилишга қаратилган машқларга бўлиш мумкин.

Машқлар схема, графикларга асосланган бўлиши, кенг равишда жадвал маълумотларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Улар орқали у ёки бу категория, тушунчани ўзлаштириш осон бўлади. Машқлар тўғри жавобни танлаш ва ана шу танловни асослаб беришда ҳам ифодаланади. У тўғри нотўғри жавобни танлашни изоҳлаш ёки тест тарзида бўлиши мумкин.

Хуллас, назарий дарсларда ўтиладиган мавзуга кўра ўрганиладиган саволларга қараб, масаламашқлардан фойдаланиш дарсни қизиқарли бўлиши, талабалар дикқатини ўрганилаётган савол, масалага қаратишларига ёрдам беради. Маъруза жараёнида талабаларнинг иштирокини таъминлайди.

## **Хуроса ва таклифлар**

Ўзбекистонда касб-хунар таълимида иқтисодий фанларни ўқитишида иқтисодий тарбияга таъсирини ўрганиш асосида қуйидаги **хуросага** келинди.

1. Касб-хунар таълимида иқтисодий фанлар ўқитилишини такомиллаштириш Ўзбекистонда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури негизида тизимли ёндашув мавжудлигини, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш муаммоси ва унинг ҳал қилиниши барча омилларнинг ўзаро боғлиқлик йифиндиси ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимининг ялпи самарали ишларига таъсирини англатади.

2. Узлуксиз таълим тизимида - кадрлар тайёрлаш тизимининг узлуксиз таълим фундаменти асосида шахс ўзининг ҳаёт йўлида танлаган, профессионал қобилиятини такомиллаштириш ва имкониятларини амалга ошириш ҳисобланади. Буларни ҳисобга олган ҳолда миллий дастур узлуксиз таълим тизимининг мазмуни ва таркибини ислоҳ қилиш мўлжалланган. Бу шахс, жамият ва давлатнинг ривожланаётган бозор муносабатлари талабига жавоб беришини билдиради.

3. Мамлакатда такомиллашган кадрлар тайёрлаш ва касб-хунар таълими фаолият кўрсатишдан иборат. Ушбу тизим юқори даражада ривожланган жамиятда умумий ва касбий маданиятли, ижтимоий ва шахсий фаол бўлган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил қарорлар қабул қила оладиган одамларнинг янги авлодини шакллантиришга кўмак беради.

4. Касб-хунар таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури интеллектуал жиҳатдан юксак салоҳиятли авлодни камол топтиришга хизмат қилиб, узоқ давр - ислоҳотларнинг стратегик йўналишларини аниқлашдан, то уларни тугаллашгача бўлган даврни олади.

5. Касб-хунар таълими базасида шаклланаётган янги авлод рақобатбардош гармоник ривожланган кадрлар қобилият эгаси бўлиб, келажакда юқори маданий тафаккур ва мустақил равишда илмий-техника ва ижтимоий-сиёсий ахборотлар йўналтирилган вазифаларни ҳал қилишга хизмат қиласи.

Ушбу хуросалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда касб-хунар колледжларида иқтисодий фанларни ўқитишнинг иқтисодий тарбияга таъсирининг асосий йўналишларини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Турли услубларни қўллаб, қизиқарли дарс ўтадиган ўқитувчиларни алоҳида рағбатлантириш зарур.
2. Дарс жадвалини тузганда, ҳафталик дарс соатлари тақсимотига аҳамият бериш, дарсда интерактив услубларни қўллаб дарс ўтиш учун зарур жиҳозлар, тарқатма материаллар ва бошқаларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.
3. Дарс ўтишда қўлланиладиган методлар бўйича услубий қўлланмалар тайёрлаш ва уларнинг конкурсини ўтказиш керак.
4. Малака оширишда дарс ўтиш методларини такомиллаштиришга қаратилган дарслар ҳам ташкил этишга эътибор бериш зарур.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.:, “Ўзбекистон” 2003, 36 б.
- 2.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. 267 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари-Т.: “Ўзбекистон” 1997.167 б.
- 3 Каримов И.А.. Тарихий хотирасиз келажак йўқ- Т.: “Ўзбекистон”. 1998 156 б.
- 4.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. 1998. – 81-б.
- 5.Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ, 1998. 3-19-б. интилмоқда -Т.: “Ўзбекистон” 1999 . 32 б.
6. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Тошкент, 2005. 82 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. 48 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – Б. 168.
9. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналашларга бағишлиган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси. ғғ Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь,№14 (5434)
10. Каримов И.А. «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Т.: O‘zbekiston, 2012. – 255 б.
- 11.Каримов И.А. Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш-ёргуғ келажагимизнинг асосий омилидир.-Т: “Ўзбекистон”, 2013.-Б. 28.

12. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафабар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасидаги маъruzasi. //“Халқ сўзи” 2014 йил. 18 январь №13.
- 13.Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш хисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш-устувор вазифамиздир ” Вазирлар Маҳкамасидаги маъruzasi. // Adolat газетаси 2015 йил. 17 январь №3.
14. Ғуломов С.С, Убайдуллаева Р, Аҳмедов Э. Мустақил Ўзбекистон –Т.: «Тошкент ислом университети», 2003. 296 б.
15. Иномов И. Иқтисодий тарбия назарияси-Т.: ТДИУ, 2005.- 248. Б.
16. Йўлдошев З. Миллий иқтисодиёт –Т.: «Молия», 2004. 208 б.
17. Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиқоли йўлида. – Т.: Шарқ, 1996. 256-б.
- 18.Н.Хўжаев ва бошқалар Янги педагогик технологиялар – ТДИУ, 2007.180 б.
19. Н.Хўжаев ва бошқалар Таълим назарияси-ТДИУ, 2003.256 б.
20. Н.Хўжаев, Б.Ходиев ва бошқалар Янги педагогик технологиялар-ТДИУ, 2002.286 б.
21. Тўхлиев Н. ва бошқалар Ўзбекистон иқтисодий асослари -Т.: «Ўзб. Мил. Энцик», 2006, 280 б.
- 22.Тўхлиев Н. Ўзбек Модели тараққиёт тамойиллари -Т.: «Ўзб. Мил. Энцик», 2014, 264 б.
23. Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқбол ғояси: Ўзбекистон Республикаси олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005. 302-бет.
- 24.Умаров У. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: «Мерос», 2004. 400 б.
25. Таълим-тарбия истиқдол кўзгусида //Маърифат, 2010 йил 30 сентябрь
26. [www.elsu.ru](http://www.elsu.ru)
27. [www.Bankreferatov.ru](http://www.Bankreferatov.ru).
28. [www.Soc.pu.ru](http://www.Soc.pu.ru)
29. [www.Meo.ru](http://www.Meo.ru)